ИШОНЧ

ШУ АЗИЗ ВАТАН, БАРЧАМИЗНИКИ!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси • 30 апрель 1996 йил, сешанба • № 34 (281)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Амир Темур» орденини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Амир Темур» ордени таъсис этилсин.

2. «Амир Темур» ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

3. «Амир Темур» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

4. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда) 11-моддасининг «Мустақиллик ордени» деган сўзларидан кейин «Амир Темур» ордени» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 апрель.

«Амир Темур» ордени тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Амир Темур» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссалари учун мукофотланадилар. «Амир Темур» ордени билан давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига алоҳида ҳисса қўшганлик учун ҳам тақдирланадилар.

«Амир Темур» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Амир Темур» ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва орденни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3. «Амир Темур» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг эллик карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

«Амир Темур» ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

4. «Амир Темур» ордени кўкракнинг унг томонига «Мустақиллик» орденидан кейин тақилади.

5. «Амир Темур» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла бериладиган пул тўлови мукофотланганнинг оиласига топширилади.

Деҳқонларнинг дала юмушлари



ЭРТАГИ САБЗАВОТ ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Сурхондарё вилоятининг Ангор тумани фермерлари эртаги сабзавотдан мўл-кўл ҳосил етиштирдилар. Чунки фермер деҳқонлар бу ерда ташкил этилган Хусусий ёрдамчи хўжалик уюшмасидан катта ёрдам олиб туришибди. Тумандаги 20 минг оиладан зиёд хусусий фермерлар уз хўжаликларида етиштирган деҳқончилик маҳсулотларини топширадиган жой қидириш ташвишидан қутулдилар. Бу юмушларни ва бошқа кўплаб сермашаққат мажбуриятларни уюшма бошқаруви ўз зиммасига олди. У деҳқондарни техника, озуқа маҳсулотлари ва қурилиш материаллари билан таъминламоқда. Бундан ташқари деҳқонларга шакар, гуруч, ун, қандолат сингари озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам етказиб берилмоқда.

Саттор Йўллиев миришкор деҳқон сифатида 40 йилдан зиёд вақт мобайнида ер билан тиллашди. Полизчиликнинг пирига айланди. У. Тўлаков номли хўжаликнинг донгдор миришкорларидан. Пенсияга чиққач, фермерлик билан шуғулланишга қарор қилди. Бу янги, оғир ишни удалашда унга болалари кўмакдош бўлдилар. Уч ўғли, тўрт қизи ва набиралари ҳамиша унинг ёнида. Отахон ўз тажрибасини, билимини меҳнатсеварлигини уларга берди, она ерга меҳр уйғотди. Хўжаликни оқилона бошқариш фермерлар оиласига яхши самаралар бермоқда. Ҳозир улар 0,20 гектар ерга экилган эртаги карамдан юқори ҳосил кутардилар. Қолган 0,40 гектар ерда помидор, бодринг, картошка етиштирилмоқда. Эл дастурхонига эртаги сабзавот маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Фермерларнинг оилавий даромади ортмоқда.

Суратда: Янги карам ҳосили узишга киришилди. Фермерлар оиласи бошлиғи Саттор Йўллиев, укаси Абдужаббор ва Ангор хусусий ёрдамчи хўжаликлар уюшмаси раиси Хуррам Искандаров (ўртада) эртаги карам ҳосилини кўздан кечиришмоқда.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) сурати.

Янгиликлар

СОҲИБҚИРОН ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Хўжалик ҳисобидаги Самарқанд телевизион уюшмаси Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб буюк соҳибқирон ва давлат арбобининг ҳаёти, фаолияти, давлатчиликни ривожлантириш мавзусидаги кўп қисмли ҳужжатли фильмни суратга олишга киришди.

Вилоят ҳокимининг қарори билан фильмни суратга олишга кўмаклашадиган бадиий гуруҳ таркибига Т. Ширинқулов, Б. Валихўжаев, Т. Ширинов каби самарқандлик таниқли олимлар киритилди. Бош илмий маслаҳатчи Самарқанд археология институти ходими Амриддин Бердимуродовдир.

Тасвир гуруҳи суратга олишни Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Уш ва Марказий Осиёдаги бошқа бир қатор шаҳарларда амалга оширади. Шунингдек, Санкт-Петербургдаги Амир Темур ҳаётига тааллуқли маълумотларни ўрганиш кузда тутилган.

Р. ҚУРБОНОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ»

Боёвут туманида ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўриктанловида 50 дан зиёд талантлар иштирок этишди. Ватан муқаддаслиги, бугдойларга инган бу халқнинг ризқу насибаси улуғлиги, тинчлик ва осойишталик ҳақида куйланган дилбар қушиқларни ҳеч ким шунчаки тингламаган бўлса ажабмас. Биринчи ўринни Бахтиёр Муҳитдинов, иккинчи ўринни Шерали Шокиров ва Бекмумин Ашуралиев, Бердиназар Ўрозовлар эгаллашди.

Ғолибларга турли қимматбаҳо эсдалик совғалари тегишли мутассадилар томонидан топширилди.

Н. ҚОСИМОВА
«Ишонч» мухбири.

Шартнома ва ижтимоий муҳофаза

ҚАТЪИЙ ҚОНУНИЙ ҲИМОЯ

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини жамоа шартномалари орқали ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг бош вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бу борада Наманган касаба уюшмалари кенгаши тармоқ касаба уюшмалари қўмиталари билан ҳамкорликда бир қанча ишларни амалга оширмоқдалар. Вилоят касаба уюшмалар кенгаши меҳнаткашларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига асосланган ҳолда жамоат шартномаларини битимларни тузиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқдилар ва бу тавсияномаларни амалда қўллаш мақсадида тармоқ касаба уюшма қўмиталарига ҳамда бошлангич касаба уюшма ташкилотларига юбордилар. Вилоят бўйича 1995 йил якунида 2415 та ташкилотда жамоа шартномалари бузилиб, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифода этувчи тадбир ва мажбуриятлар белгиланди. Шу билан бир қаторда жамоа шартномаларини тузиш бўйича барча шаҳар ва туманларда кўчма семинар-кенгашлар ўтказилди.

Вилоят меҳнаткашларининг саломатлигини муҳофаза қилиш касаба уюшма ташкилотларининг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Жамоа шартномалари орқали 1995 йил давомида вилоят бўйича 18 минг меҳнаткашлар санаторий-профилакторий ва дам олиш уйларида ўз саломатликларини тикладилар. Бу мақсадларга ижтимоий сугурта бюджетидан 33 млн. сумга яқин маблағ сарфланди. Бундан ташқари ёш авлодга бўлаётган ғамхўрлик тобора кучайтириляпти. 1995 йилнинг ёз мавсумида 43 та соғломлаштириш оромгоҳларида 20 мингдан ортиқ нафар бола ҳордиқ чиқаришди. Болалар оромгоҳларининг фаолият юритиши учун ижтимоий суғурта бюджетидан 39 миллион сўм маблағ сарф қилинди.

Жамоа шартномаларида юқорида кўрсатилган ишлардан ташқари корхона ва ташкилотларда иш шароитларини, санитария-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, ишлаб чиқариш жароҳатлари ҳамда касб касалликларининг олдини олиш борасидаги тадбирларни ва кам таъминланган оилаларни, уруш ногиронлари, Чернобиль АЭС ҳалокатини бартараф этиш қатнашчилари ва бошқа гуруҳ ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни ўз ичига олади.

Наманган вилоят машинасозлик касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «Наманганмаш» ва «Ўзэлектротерм» ҳиссадорлик жамиятларида тузилган жамоа шартномалари диққатга сазовордир. Мисол тариқасида қуйидагиларни айтиш мумкин. «Наманганмаш» меҳнат таътили барча ходимларга бир вақтнинг ўзида — июль-август ойларида берилади. Бунда ҳар бир кишига ўртача иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Завод ошхоналаридаги овқатни арзонлаштириш учун 1.098 минг сўм тўлов сарфланди, заводда 10 йилдан ортиқ ишлаб пенсияга чиққан ходимга республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 5 баробарига тенг моддий ёрдам берилади. Ишчиларга ишга келиб-кетиш учун 8606800 сўм кира ҳақи ажратилди. Булардан ташқари уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида ходимларга ер участкаси ва уруш фахрийлари ва уларга тенглаштирилганларга турар-жойлар берилди. Бу мақсад учун 220 минг сўм сарфланди. Янги иш жойларини ташкил қилишда «Наманганмаш» ҳиссадорлик жамияти астойдил ҳаракат қилиб қўшимча 290 та иш жойини ташкил қилди.

Шунга ўхшаш ишлар Ўзбекистон «Электротерм» ҳиссадорлик жамиятида ҳам олиб бориляпти. Бу ҳиссадорлик жамиятида ишчиларга меҳнат таътилини энг кам қисми 24 иш кунини ташкил этади. Шаҳар фахрийлар ташкилоти ва олий ўқув юртларига ёрдам тариқасида 124 минг сўм ўтказдилар. Мактаб ва болалар боғчасига 76200 сўм, ишчи-хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний соғломлаштириш учун 159 минг сўм, Наврўз ва бошқа байрамларни ўтказиш чоғида моддий ёрдам тариқасида 62 минг сўм, бириктирилган маҳалла ногиронлари учун 6,5 минг сўм ва меҳнаткашлар саломатлигини таъминлаш мақсадида санаторий-профилакторийга ва тиббий бўлимга 62 минг сўм ажратилди. Ҳозирда вилоятдаги барча машинасозлик саноати корхоналарида Меҳнат қонунлари асосида жамоа шартномалари тузилмоқда. Бу билан иш берувчи ва ишловчилар ўртасидаги барча шарт-шароитлар қонуний ҳимояланмоқда.

Р. МУСАЕВ,
Ўзбекистон КУФ меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ходими.

Иқтисодиёт

ШЎРТАН ОЛТИНГУГУРТИ

«Шуртангаз» газ конлари бошқармасида чиқинди газдан олтингугурт оладиган қурилма ишга туширилди. Бу қурилманинг иш бошлаши учун анчагина вақт ва меҳнат сарфланди. Муҳими шундаки, мазкур қурилма туфайли Шуртанда кечаю-кундуз ёниб турадиган бешта машъаланинг бири энди сўнди, табиатнинг ифлосланиши камайди. Қурилма бир йилда 100 миллион тонна чиқинди газни қайта ишлаб бир неча минг тонна олтингугурт олиш имконини беради. Ҳали лойиҳада кўзда тутилган қувват билан ишлаш учун бирмунча вақт керак булади. Асосийси, мамлакат учун зарур бўлган Шуртаннинг дастлабки тонна олтингугурти олинди.

М. КЕНГБОЕВ.

ТОҒ ЎТЛАРИ АРАЛАШМАСИ ҚИЁМИ

Чортоқ шаҳридаги «Роҳат» акционерлик жамияти фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин бу ерда ишлаб чиқарилаётган маъданли сув довруги ҳозирги кунда узоқ-узоқларга бориб етди. Зероки, ўнлаб касалликларга шифобахшлиги билан ном қозонган маъданли сув фақат чанқов бостилиги билангина эмас, балки йўл ҳаражатлари ва оворагарчиликларисиз ҳам кўпларнинг қатор дардлардан фориғ бўлишига ёрдам бермоқда. Лекин жамият ҳиссадорлари шу билангина кифояланиб қолишмаяпти. Ҳозирда бу ерда маъданли сувдан ташқари киши соғлиги учун ғоят фойдали саналган турли хил гиёҳлар аралашмасидан тайёрланган 6 номдаги салқин ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда. Яқиндан бошлаб эса тоғ ялпизи, кийик ўт ва райҳон аралашмаси қиёмидан иборат «Чортоқ экстракти» номи билан салқин ичимлик тайёрлаш узлаштирилди.

БЕПУЛ ТУРАРЖОЙЛАР

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичи шароитида кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига Наманган туманида катта эътибор берилмоқда. Яқинда ўн бир хонадон янги турар жойларга кўчиб кирди. Бепул уйлар билан таъминланганлар орасида тошбулоқлик Х. Исомиддинов, қиётлик З. Пулатов, тепақўрғонлик С. Деҳқонов оилалари бор. Бу тураржойларнинг тикланиши учун кетган маблағ бевосита туман ҳокимлиги ташаббуси билан марказлашган маблағ ҳисобидан қопланди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

МДҲ мамлакатларида

Уч йиллик мураккаб музокаралар жараёни ниҳоят муваффақиятли якунланди. Қозоғистоннинг бой Тенгиз конларини Қора денгизнинг Новороссийск порти билан боғловчи янги нефть қувури қурилиши ҳақидаги битим тузилди. Ушбу лойиҳа Россия, Қозоғистон ва Аммон мамлакатлари ҳукуматлари консорциуми ва 8 нефть компанияси томонидан амалга оширилади. Қурилиш ҳаражатлари 1 миллиард 200 миллион долларни ташкил этади. Битимни ХХР га расмий ташрифдан қайтиб келаётиб, Алматида тўхтаган Россия Президенти Б.Ельцин ва Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев имзоладилар.

***

Жаҳон матбуотида ҳамон Чеченистонда марҳум Жавҳар Дудаев ҳалокати сабаблари ҳамда шу воқеадан кейин Чеченистонда ҳарбий ҳаракатларнинг давом этиш-этмаслигини қизғин муҳокама қилиш давом этмоқда. Ичкерия Чеченистон республикасининг янги раҳбари Зелимхон Яндарбиев турли интервьюларда Дудаев ишини давом эттириш, чечен халқи ғалаба қилгунча курашни тўхтатмаслик мақсадини баён қилмоқда. Ж.Дудаевнинг беваси А.Дудаева Москвага тинчлик миссияси билан келишни ихтиёр қилиб, Россия бош вазири В.Черномирдинга мурожаат қилган. Бироқ ҳозирча мазкур мурожаатга бирор жавоб олинмаган.

***

Белорус халқ фронти Минскда ғуё Чернобиль атом электр станцияси ҳалокатининг ўн йиллиги муносабати билан митинг уюштирган. Минск кўчалари бўйлаб рухсат этилмаган марш давомида намойишчилар асосан давлат бошлиғи А.Лукашенко юритаётган сиёсатдан норозиликларини изҳор этишди. Милиция намойишчиларга қарши резина тўқмоқлардан фойдаланди ва 200 га яқин кишини қўлга олди. Улар ҳануз ушлаб турилибди. Халқ фронти 1 май куни Президентга қарши яна намойиши уюштиришга даъват этди. А.Лукашенко ушбу намойишни ман этди.

ХОРИЖДА

Бутун дунё мусулмонлари улуғ айём - «Ийд ал-адҳо-Қурбон хайитини байрам қилмоқдалар. Саудия Арабистонининг Макка шаҳрига буюк ҳаж зиёратини амалга ошириш учун дунёнинг турли бурчакларидан икки миллиондан ортиқ зиёратчи-ҳожилар тўпланишган. Қурбон ҳайити кунлари улар пайғамбар Иброҳим Ҳалилуллоҳ хотираларига бағишлаб Аллоҳ йўлига ҳудойи сифатида қўй, эчки, мол сўядилар. Уларнинг гўшти камбағал-қашшоқларга улашилади.

***

Қурбон ҳайити арафасида Исроил билан «Хасбаллоҳ» гуруҳи ўртасида узаро ўт очишни тўхтатиш ҳақида битим имзоланди. Шунингдек Фаластин ҳудудларидаги чегаралардан ўтиш қоидалари юмшатилди. Натижада ўн мингдан ортиқ фаластинликлар учун Исроилдаги иш жойларига бориш имкони туғилди. Маълумки, чегаралар «Ҳамаз» экстремистик ташкилоти томонидан уюштирилган бир қанча террористик қўпорувчилик ҳаракатлари туфайли ёпиб қўйилганди. Арабларга ҳайит кунлари Ғазо секторидаги қариндошларини кўриш ва зиёратларга рухсат этилди. Бундан ташқари Исроил Хевронда нолегал суратда қурилган уйларни бузиб ташлаш режасини ҳам бекор қилди.

Якшанба куни Исроил бош вазири Ш.Перес Вашингтонга расмий ташриф билан борган. У бу ерда мудофаа вазири У.Перри билан музокаралар олиб борди, АҚШ Президенти Б.Клинтон билан учрашди.

***

Қурбон ҳайити кунлари минглаб босниялик мусулмонлар қариндошлари қабрларини зиёрат қилмоқдалар. Кўпчилик оилавий хилхоналарга қурьон тиловат қилиш учун зиёратга боришни режалаштирганликлари маълум бўлди. НАТОнинг ҳарбий кучлари шу муносабат билан рўй бериши мумкин бўлган тартибсизларнинг олдини олиш учун шай қилиб қўйилган. НАТО қумондонлигининг расмий вакиллари Босния-Герцоговина шимоли-шарқидаги узаро рақобатчи этник гуруҳлар тўқнашувлари муносабати билан ташвишланаётганликларини изҳор этишди. НАТО булинмалари Босния серблари назоратида бўлган бир қанча шаҳарларда жойлаштирилган.

***

Ҳиндистонда парламент сайловларининг биринчи босқичи шубҳали равишда тинч ўтди. 50 округ буйича сайловчиларнинг 60 фоизга яқини, яъни 160 миллион киши овоз беришда қатнашган. Биринчи босқич якунланиши билан сайлов комиссияси келгуси пайшанба куни беш штатнинг 69 сайлов округида қайта сайловлар ўтказилишини маълум қилди. Сайловларнинг қатъий натижалари 10 майдан кейин маълум булади. мутахассислар фикрича, бу сафар партияларнинг биронтаси ҳам зарур миқдордаги кўпчилик овозни ололмайди.

***

Австралия полициясининг хабар беришича, якшанба куни Тасмания оролида бир йигит автоматдан ўқ узиб, 33 кишини улдирган ва 18 кишини яралор қилган. Бу воқеа сайёҳларнинг севимли жойига айланган Порт-Артур қўрғонида юз берган. Хабарларга кўра, 19 ёшли номаълум йигит аввал туристларга қараб ўт очган, кейин 4 кишини гаровга ушлаб, коттежларнинг бирига кириб олган. Кейинги маълумотларга кўра, бу йигитда руҳий касалликни гумон қилиняпти.

МАДАНИЯТ ЎЧОҚЛАРИ ЎГАЙМИ?

Долзарб мавзу

Бугунги бозор иқтисодиётига асосланган ривожланиш даврида маданият муассасалари халқ турмуш шароитини юксалтиришда янада муҳим аҳамият касб этади. Тошкент ҳокимлиги тасарруфидаги маданият ишлари Бош бошқармаси тизимидаги маданий-оқартув муассасаларидаги аҳвол шу куннинг талаби асосларида бўлиши учун анчагина саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Тўғри, маданият ишлари Бош бошқармаси унинг туман бўлимлари маданият муассасаларининг шарт-шароитларини яхшилаш борасида муайян ишларни амалга оширдилар. Жумладан, бир қатор клублар ва кутубхоналар таъмирланди, баъзиларининг бинолари қайта қурилди, пол ва шифтлари тузатилди. Иситиш қувурлари, электр узатгичлари алмаштирилди. Кўпгина марказий иситиш тармоги бўлмаган жойларга эса газ қозонлари урнатилди. Аммо ходимларнинг меҳнат шароитлари эса талабга жавоб бермайди.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари қўмитасининг масъул ходимлари Собир Раҳимов, Яккасарой, Мирзо Улугбек, Миробод, Чилонзор, Акмал Икромов ва Ҳамза туманлари маданий-оқартув муассасаларидаги вазият билан танишиб чиқдилар. Кўпгина муассасаларда аҳвол яхши эмас. Жумладан, Яккасарой туманидаги Шевченко, Маяковский номли, 4-болалар кутубхонаси, Юнусобод туманидаги 3-болалар кутубхонаси ва Ҳамза туманидаги Гагарин номли ва 3-болалар кутубхонаси, Чилонзор туманидаги Ломоносов номли ва 10-кутубхона, Акмал Икромов туманидаги марказий кутубхона, «Билим» шаҳар кутубхонаси кабилар тўла таъмирлашни талаб қилади.

Ломоносов номли кутубхона турар-жой биносининг биринчи қаватига жойлашган. Уйнинг ертўласидаги канализация қувурлари ёрилиб кетганлигидан исиқ ва совуқ сув мунтазам оқиб етибди. Ертўладан чиқаётган бут ва намликдан адабий фондга беқиёс зарар етказилмоқда. Кутубхона деворлари нам тортиб, нурай бошлаган.

Юнусобод туманидаги 8-кутубхонанинг ертуласидан йиртиқ-ямоқ пол ва линолиум тешигидан буғ кутарилиб китобларни намиқтирса, тепадаги қушниларнинг лоқайдлиги туфайли сув ҳам юқоридан оқиб тушиб етибди, деворга епиштирилган қогозларнинг эса боридан йўғи яхшироқмиди? «Билим» шаҳар кутубхонасида эса томдан мунтазам чакка ўтяпти, иситиш қувурлари чириган, натижада девор бўйлаб сув шариллаб оқиб етибди...

Наҳотки текшириб борилгунга қадар вазият шу тарзда қолаверса. Пол ёки иситиш қувури тешилиши билан тузатиришнинг иложи йўқмиди?

Текширилган кутубхоналарнинг кўпчилигида иситиш ёмон аҳволда ёки умуман ишламайди. Кўпларининг деразасига сим тўр урнатилмаган, эшиклари қулфсиз. Ичимлик сув қувури ва канализация йўқ, бинолар нам, деворларга епиштирилган қогозни чанг босиб кетган. Аҳволни кўриб, ачиниб кетасан киши. Кутубхона нурхона деб эъзозланар эди-ку! Нима бўлаяпти, ўзи!..

Кўпгина кутубхоналарни ёритиш ҳам талаб даражасида эмас. Деразаларига бир қават ойна ўрнатилган холос. Эшиклар, дераза, пол таъмирланишга мухтож. Дори-дармон қутилари умуман йўқ. Нарвон эса анқонинг уруги. Китоб жавонларини гапирмаса ҳам булади. Сигнализация ишлатилмайди. Китоблар чанги чангютгич билан эмас, балки ҳўл латта билан артилишига нима дейсиз?!

Кутубхоналарнинг кўпчилиги турар-жой биноларига жойлаштирилган, аммо уй-жойларда идоралардан тегишли таъмирлаш хизмати кўрсатилмаяпти. Ниму учун? Хизмат кўрсатадиган ЖЭКка мурожаат қилмай, қаерга югурсинлар? Қолаверса, иссиқ сув қувури тешилса, ёки тепа қаватдан сув оқиб тушса. Мазкур бинода шамоллаттичлар йўқ, мавжуд кондиционерлар эса ҳавони чангдан тозаламайди, уни намлаб, совутади, холос. Юқори жавонлардан китобларни олиш учун махсус қурилма ҳам йўқ.

Бирор фалокат юз бериб кутубхоналарда ёнғин чиқса борми, ходимларни кўчиришига имконият ҳам йўқ. Китобларни олиб юриш учун аравачалар етишмайди. Жавонларда китоблар босилиб ётибди. Бу эса ходимлар хавфсизлигини таъминлашга имкон бермайди. Кутубхоначиликдаги меҳнат шароити касбининг зарарлигини санитария-эпидемиология врачларини таклиф қилиб аниқлар? Қолаверса, иссиқ сув қувури тешилса, ёки тепа қаватдан сув оқиб тушса. Мазкур бинода шамоллаттичлар йўқ, мавжуд кондиционерлар эса ҳавони чангдан тозаламайди, уни намлаб, совутади, холос. Юқори жавонлардан китобларни олиш учун махсус қурилма ҳам йўқ.

Бирор фалокат юз бериб кутубхоналарда ёнғин чиқса борми, ходимларни кўчиришига имконият ҳам йўқ. Китобларни олиб юриш учун аравачалар етишмайди. Жавонларда китоблар босилиб ётибди. Бу эса ходимлар хавфсизлигини таъминлашга имкон бермайди. Кутубхоначиликдаги меҳнат шароити касбининг зарарлигини санитария-эпидемиология врачларини таклиф қилиб аниқкимлигига мурожаат қилинди, аммо бирор натижа чиқмади.

Ҳозирда кутубхона жойлашган бино ишлашга мутлақо яроқсиз, қўшимча жой керак. Шунинг учун китоб фондининг бир қисми эски бинода сақланмоқда. Кутубхона ходимлари (улардан купининг кўзи ожиз) китобларни кенг автомагистрал йўлидан утиб янги бинога ташишга мажбур бўлмоқдалар. Бу эса бахтсиз ҳодисага олиб келиши мумкин. Олим ва ёзувчиларнинг қалб қури билан битилган билимлар хазинасининг ҳароб қилиниши ҳеч бир қуюшқонга сиғмайдиган ҳолдир.

Бир қатор маданият уйларининг аҳволи ҳам чатоқ. Жумладан, Мирзо Улугбек туманидаги «Юлдуз» маданият уйи биносини исизир унга берилган бино анча кичик, китобларни қабул қилиш ва сақлашга тайёр эмас. Сим тўри, дераза ойналари йўқ, эшиклари қулфсиз, водопровод, канализация ишламайди, сигнализацияси йўқ. Кутубхона биносидан турар-жой учун фойдаланилган.

Юнусобод туманидаги яна икки кутубхона — Чехов номли ва 103-кутубхона бинони бўшатиб қўйиши тўғрисида фармойиш олди. Акмал Икромов туманидаги Усмон Юсупов номли маданият уйи учун ажратилган бино маданият булими маблағи ҳисобига таъмирланганига қарамай, маҳалла қумитасига тақдим этилди. Акмал Икромов туманининг Марказий кутубхонасини кучириб юборишга уринишлар давом этмоқда. Ҳамза туманидаги Островский номли кутубхона филиалини «Узқогоз» тортиб олаётир. Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин.

Маданият уйлари ва кутубхоналар ишида ечимини кутаётган муаммолар ҳали жуда кўп.

Маданият уйларида мусиқа асбоблари, аппаратлар, костюмлар етишмайди. Маблағ етишмаслигидан улар реклама-нашр соҳасида қийиналишмоқда, раидо орқали чиқишга, янги тадбир, тутараклар ҳақида эълон бериш имкони чекланган. Автотранспортнинг йўқлиги ҳам маданият уйлари ишини янада қийинлаштирмоқда.

Юқоридаги кутубхона ва маданият уйларидаги аҳволларни кўриб мазкур муассасаларнинг раҳбарлари қаерга қарар экан, деган савол бевосита тугилади. Наҳотки, ўзлари ишлаётган идораларнинг аҳволига, илмлар хазинасини багрига олган китобларга ачинишмаса?! Ахир бу манбаларни эртага авлодлар ҳам мутолаа қилишлари керак-ку! Санъат-севар халқимизнинг байрамларига маданият уйлари, санъаткорлар файз-багишлашлари керак эмасми? Маданият масканларини угайдек бузлатиш инсофданмикан?

Ғ. ҒУЛОМОВ,
Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшмасининг раиси.

Муаммо, мулоҳоза, таклиф.

МУАММОНИНГ ИЛДИЗИ ЧУҚУР...

ёхуд республика оммавий ахборот воситалари бозорлардаги олиб сотарлар, чайқовчиларга қарши «кампания»ни бир ёқлама олиб бораётганлиги хусусида

Президентимизга раҳмат! Кейинги вақтларда биз журналистларга танқидий мақолалар учун тез-тез мавзу топиб бериб турибдилар. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 февралдаги мажлисида Президентимиз бозорлардаги аҳволни қаттиқ танқид қилдилар. Жуда тўғри бўлди, албатта. Журналист ҳамкасбларимиз дарҳол бозорларда «қишин-ёзин бир хил одамлар ўтиришгани, улар бозорларни ўзларининг ишхонасига, таъбир жоиз бўлса уйига айлантириб олишгани» ҳақида, улар сотаётган маҳсулотлар турлари йил фасларига ва харидоргирлигига қараб, тез-тез ўзгариб турса-да, ўтирган жойлари ҳеч қачон ўзгармайди, хўш, қишин ёзин бозорга танда қўйиб олган бу сохта «деҳқон»лар кимларнинг эркатойлари? деб ўзига хос тадқиқотларни бошладилар. Ҳатто бир ҳамкасбимиз «бозорларни эгаллаб олганларнинг 90 фоизи «дом»ларда яшайдиган одамлар, улар қайси ҳовлисида товуқ боқиб, қайси томорқасида картошка етиштирди экан?», деган савол беради.

Ҳаммаси тўғри гаплар. Фақат Президентимизнинг танқидий фикрларини турли шаклларда такрорлаётгандек туюлади менга. Буни нотўғри демоқчи эмасман. Бу ҳам керак, Президентимизнинг айтганларига, маслаҳатларига таянишимиз шарт. Лекин бугунги кунда журналист фақат айтилган гапларни қайта-қайта такрорлайверишидан фойда камроқдай. Менимча, бугун юз бераётган ўзгаришлар, муаммоларга чуқурроқ назар ташлаш керак.

Уша бозорлардаги сабзавот, мева, қовун-тарвуз, бошқа истеъмол маҳсулотларини олиб сотаётган манзарани олиб қурайлик. Бу манзара Ўзбекистоннинг барча бозорлари учун бир хил десам муболаға бўлмайди. Шу уринда битта савол бериш керак: улар қаердан пайдо бўлиб қолди? Бу саволга жавоб беришдан олдин ҳаётнинг оддий фалсафаси-зарурат, эҳтиёж, талаб-таклифга яраша хизматни бажарувчилар пайдо бўлишини эслайлик. Масалан, сартарошга бирон маҳаллада ёки қишлоқда зарурат пайдо бўлса, албатта сартарошликни кимдир ўрганади, этикчилик ҳам, дурадгорлик, қассоблик ҳам шундай. Бозорлардаги ўша олиб сотарлар, чайқовчиларни ҳам менинг фикримча, ҳаётнинг ўзи келтириб чиқарди. Бугун уни қанчалик қораламайлик, бундай хизмат кўрсатувчиларга эҳтиёж бор. Нега? Бундай эҳтиёжни илгарилари бозорлардаги тайёрлов идораларининг дўконлари, хўжаликларнинг қишин-ёзин ишлайдиган фирма дўконлари тўлдирарди. Ҳатто маҳаллаларда ҳам хўжаликларнинг мева-сабзавот ярмаркалари ташкил қилинарди. Яхши эслаймиз. Ҳозирчи? Улар деярли йўқолди. Демак, ўзўзидан талаб пайдо бўлди. Деҳқонларнинг кўпчилиги эрталабдан кечгача бозорда ўтиришларига вақти йўқ. Бир-икки кун ўтиришлари мумкин. Лекин, зиёдига айтолмайман. Бозорга олиб келган маҳсулотларини сотганларини сотадилар, сотмаганини арзон-гаровга кимгадир ташлаб кетадилар. Мен яшаётган қишлоқдаги деҳқонларнинг кўпчилиги умуман, маҳсулотларини бозорга кирмасдан ўша «чаққонлар»га кўтарасига сотадилар. Ҳақиқий аҳвол шундай. Уларни ҳам оқлагим келади. Улар юк ортиб борган машиналарида бозор-учар ҳаражатларини қилиб тезроқ қайтишни ўйлайдилар.

Муаммонинг боши шу ерда! Қишлоқларда деҳқонлар йиғиштирган маҳсулотларни бозорларда сотувчилар, яъни деҳқонга хизмат кўрсатувчи ўзаро фойдали алоқа қилувчи инсофли, ишончли шерик бўлсалар эл ютади, арзончилик булади. Ҳозир бундай шерик вазифасини норасман ўша «дом»ларда яшовчи «деҳқонлар» бажаряптилар. Уларнинг бундай фаолиятларини тугатишнинг бирдан-бир йули давлат корхоналари ёки бозорлар орқали буладими, нодавлат шаклида буладими-деҳқонга ҳақиқий дастёр буладиган, инсоф билан ўзаро фойдали муносабатни йўлга қўядиган хизматни ташкил қилишдир. Шундагина давлат хазинасига ҳам солиқлар орқали кўпроқ фойда тушади, шаҳарликлар дастурхониға арзон маҳсулотлар етиштириб берилади, деҳқон ҳам озор чекмайди. Президентимизнинг айтганларидек, маҳсулотни тўппа-тўғри деҳқон даласидан сотиб олиб кетишдан бошлаб барча ҳаражатлар ўша ташкил қилинадиган хизмат зиммасига юклатилса қандай ажойиб буларди!Деҳқонлар билан, шахсий томорқа эгалари билан ҳам олдиндан шартномалар тузилса яхши иш бўлиши мумкин.

Бозорлар эл-юрт ҳаёти қандай тарзда кечаётганини кўрсатиб турадиган ўзига хос тарози вазифасини ҳам ўтайдилар. Уларда инсоф-адолат бўлса, деҳқон меҳнатига ҳурмат ҳисси ривожланган бўлса, ўша юртдаги умумий аҳвол ҳам яхшилигини кўрсатади. Аксинча бўлса бундай юртнинг аҳволи ёмонлигини ҳам қадим-қадимлардан айтишган. Шу боисдан ҳам юртбошимиз бугун бозорлардаги муҳитни яхшилаш, турли камчиликларни тезроқ бартараф этиш ҳақида қайғурмоқда. Бозорлардаги муаммоларнинг илдизлари қанчалик чуқур бўлмасин, уларни ҳал этиш мумкин. Фақат биз журналистларнинг қанчалик куйиниб ёзишимиз билан иш битмайди. Бозорлар учун масъул раҳбарларнинг элсеварлиги, юртига ҳалол, фидойи хизмат қилишига боғлиқ. Менинг фикрим шундай.

Шихназар АҲМЕДОВ,
Хоразм вилояти.

Кимё-фармацевтика оғир тармоғидаги ҳиссадорлик жамиятининг мулкчилик шаклини ўзгартиришга ҳали бир йил тўлганича йўқ. Шунга қарамай, ҳиссий қўлларга ўтган корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлиги маълум даражада ошди. Ҳозир бу ерда 20-25 хилдаги тиббий препаратлар тайёрланмоқда.



Суратда: ампулалар цехининг ишчиси Дилбар Мирҳалидова корхонада бир маромдаги иш суръати ташкил этилганидан хурсанд.

А. МАМАДАМИНОВ сурати.

Касаба уюшмаларида

ҲОМИЙЛИК МАРҲАМАТИ

• Тошкент

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят қумитаси вилоят ногирон болалар уйига ҳомийлик марҳаматини аямаяпти. Куни кеча вилоят қумитаси вилоят ногирон болалар уйига 15 минг сўм, вилоят қизил ярим ой жамиятига эса 10 минг сўм пул ўтказди.

Б. ПЎЛАТОВ.

МОДДИЙ ЁРДАМ

• Жиззах

Мамлакатимизда боқувчисини йўқотган оилалар, етим болалар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш доимий анъаналаримизга айланиб қолган. Жиззах вилоятида ҳам бу хайрли ишга алоҳида эътибор берилмоқда. Вилоят касаба ташкилотлари, болалар жамғармаси бу савобий ишда фаол қатнашмоқда. Жамғарма жамоаси шаҳар ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда мухтож оилаларга, болаларга вақти-вақти билан кийимбош, озиқ-овқат ва бошқа нарсалар бериб боришни йўлга қўйганлар. Яқинда Зафаробод туманида бўлган тадбирда 10 нафар болага турли совғалар улашилди.

Шу кунгача Жиззах вилояти бўйича 75 нафар боқувчисидан ажралган оилага, 75 нафар етим болага совға-саломлар топширилди. Бу моддий ёрдамдан одамлар хурсанд бўлишди.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«ИШОНЧ» мухбири.

Нуқтаи-назар

ЖИЗЗАКИЛИК

ёки Олтинкўл туманида ҳаққоний танқидга нотўғри муносабат хусусида

Газетамизнинг шу йил 10 январь сонида «Устозлар иззатда...ми?» деб номланган танқидий мақола босилганди. Унда Андижон вилояти Олтинкўл туманида халқ таълими тизими ходимлари ойлик маошларини вақтида ололмаётганликлари танқид қилиниб, бунинг сабаблари таҳлил этилганди. Жумладан, туман «Пахтабанк»ига ўтган йил 9 ноябрда келиб тушган 4 миллион сўм пул 13 ноябрдан 30 декабргача - бир ярим ойга чўзиб, 100 минг - 200 минг сўмдан «майдалаб» берилгани фош этилганди. Туманда нақд пул етишмаслиги сабабига тўхталиб, бу ерда кейинги йилларда қишлоқларда саноат инфраструктурасини шакллантириш, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш, хуллас - бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш борасида арзирли иш қилинмаётганлиги кўрсатилганди.

Андижон вилоят ҳокими ўринбосари Н.Саидов имзоси билан олинган жавобга «Пахтабанк»нинг туман бўлимига ишда тартиб ўрнатиш топширилгани, иккита мактаб раҳбарларига маъмурий чора кўрилгани ёзилиб, тумандаги бунёдкорлик ишлари мухбир томонидан нотўғри акс эттирилганига урғу берилганди. Таҳририятга келган Олтинкўл туманидаги икки мактаб директори таҳририятга барча мактаблар жамоаларининг жойларда тўп-тўп бўлиб ўтказган йиғилишлари қарорларини ташлаб кетишди.

Матбуотнинг танқидий чиқишига бундай жавоб ҳаракатлари бизни ҳушёр тортирди: аслида танқидий чиқишдан фойдаланиб, муаммоларга янги кўз билан, сал ташқаридан қараб, уларни бартараф этиш йўллари қидирилади. Аммо бу туман раҳбарларида бундай ташаббус кўзга ташланмагани ҳам майли-я, зарбанинг кучи бошқа томонга гўё «газетанинг ўзига эмас, (газета муҳим мавзуини ёритиб тўғри қилибди) баъзи ноаниқликларга йўл қўйган ўжар мухбир»га қаратилганди. Қуйилаги мақоланинг вужудга келиш тарихи шундай...

Балиқ сувда сузиб чанқайди, деганларидек, биз қаламкашлар, асли, шунақамиз. Арзимас нохақликдан хабар топсак, кимлар учундир эрта-ю кеч, қишу ёз елиб-югурамиз, ўзимизни ўтга-чўққа урамиз. Саломатлигимизни, таътилу дам олиш кунларимизни ҳисобга олмаймиз. Адолатни қарор топтирмагунча тинчимаймиз. Узимизга келганда эса...

Замира Рузиева ҳам туман халқ таълими бўлими мудири Маҳкам Солиевдан мушт еб чиқса-да дардини, ички кечинмаларини шеърга солди холос:

«Сизни қарғамадим, койимадим ҳам,
Дунёнинг ишлари шунақа чаппа.
Негадир сизни деб, белбоғ тикмаган
Онангиздан бўляпман ҳафа.

Сизни қарғамадим, койинмадим ҳам
Отангиз руҳида ҳаёлан кездим
«Болам, мунофиқлик, орим» демаган
Шу зот кўзларида афсуслар сездим...

Узоқ йиллик журналистик фаолиятимда танқид сариғ ёг эмаслигига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Мухбирнинг нони қаттиқ: уни ейиш учун темирдан тиш, пулатдан жағ керак. Аслида қаламкаш ҳам инсон. Унинг ҳам беҳудадан беҳудага бировнинг мушугини «пишт» дегиси, кунглига оғир ботадиган гап қилгиси, кайфиятини бузгиси, кўзига ёмон кўрингиси келмайди. Лекин қисматимиз шунақа битилган экан, илож қанча! Бир маҳаллар донишманд ёзувчимиз Саид Аҳмад «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ўзидан кетган бир санъаткор ҳақидаги фельетонида «Ким овқат ичаётган қошиғи билан пашша ўлдиргиси келади. Мен ҳам севги ва муҳаббатга, инсонлар учун яхшилик ва эзгуликка, юртим гўзаллигини тараннум этишга йўғрилган қаламимни бир ифлос номи билан булғашни сира-сира истамасдим...» деб ёзганидек, биз ҳам танқидий мақолалар ўрнига мақтовлар битиб раҳмат ва олқишлар олишни истаймиз. Надоматларким, ҳаёт гуллар тўшалган паёндоз эмас. Унинг чароғон кунлари бўлганидек, сояли, булутли дамлари ҳам анчагина. Шуларни ҳам кимлардир кўриши, ошкор этиши, уз муносабатини билдириши, бошқалар эътиборини тортиши, муҳими, иллатларга қарши курашиши керак-ку! Шу боисдан Президентимиз оммавий ахборот воситалари ҳодимлари билан ўтказилган ўша дийдорлашувда кейинги пайтларда матбуотимизда, радио ва телевидениеда юзага келаётган мудроқликка барҳам беришга, ҳушёрроқ бўлишга чорлади. Боқибегамликка, лоқайдликка, мақтанчоқликка ва кўзбўямачиликка чек қўйишга чақирди.

Адбатта, З.Рузиеванинг газетамизнинг 1996 йилнинг 10 январь сонида босилган «Устозлар иззатда...ми?» мақоласи ҳам шу даъватга жавобдай ёзилганди. Ахир гап кейинги ойларда туманда халқ таълими тармоғида маош тарқатишда тез-тез узилишлар содир булаётгани, шу асосда. шикоятлар кўпайгани ҳақида борганди-да мақолада. Қўшимча даромад излашга ҳам мажбур бўла бошлади улар. Нима қилишсин, оила тебратиш, бола-чақа боқиш, ейиш-ичиш шарт-ку! Ҳамкасблари аҳволини тўғри тушунган баъзи илмий бўлим мудирлари ходимларга шароит яратиб беришга интилишган.

-Бу нарса мутлақо ҳақиқатга зид,-дейди у суҳбатлашганимизда жиғибийрони чиқиб. - Биз ҳеч қачон ҳеч қаерда, бозор бўлишлигини ҳисобга олмаймиз.

Туман халқ таълими бўлимининг мудири сўзида собит қолган. Бу борада илмий бўлим мудирлари мухбирга «дард»ларини ёзган 1-,4- мактабларнинг директорлари Одилжон Султонов ва Атира Муминовалар мақола муҳокамасига бағишланган йиғилишда «ўқитувчи, тарбиячиларнинг ойлик иш ҳақларини чек ва нақд пул билан беришда чалкашликларга йўл қўйганликлари учун» маъмурий жазоландилар.

Халқ таълими бўлими мудири жаҳлини қўзғатган иккинчи нарса шу бўлдики, 29-30 декабрь кунлари бир ярим ойлик маошлар бирданига берилгани ҳолда мақолада ўқитувчилар иш ҳақини тўлаш, гоҳо чўзилиб кетаётганлиги акс этган. Ҳақиқатан ҳам мухбирнинг шу мавзуда газетада чиқиши 10 январь кунига тўғри келган эди. Холбуки, журналистик тадқиқотлар 21-22 кунлари ўтказилган ва бу нарса мақолада ҳам ўз ифодасини топган. Ажабо, каттагина бир туман бошқарув идорасининг раҳбари, уз таъбири билан айтганда туман ижроқуми раис муовинидек нуфузли лавозимларда ишлаган одам нахотки газетачилик иши новвойчиликка ўхшамаслигини, бир томондан ҳамир қориб иккинчи ёқдан нондек ёпила бермаслигини тушунмаса!

Энг катта эътирозлар Олтинкўлда ўзгаришлар кам бўлаётганлигига бориб тақалмоқда. Кейинги йилларда туман марказига кираверишдаги канал устига кўприк қурилганлигини, стадион битиш арафасида турганлигини дастак қилишяпти. Ажабо, бу билан мухбир зиммасига тоғдек айб юклаб булмайди-ку! Айтишларича, олдинги автобекат шартта бузилиб янгиси қури-

(Давоми 4-бетда).

БИЗДАН СЎРАБСИЗ...

Саволларга Ўзбекистон кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг меҳнат ҳуқуқи Бош нозири Абдувоҳид АҲМЕДОВ жавоб беради.

Ҳурматли «Ишонч» газетасининг таҳририят ходимлари, 1995 йил ноябрь ойида туғилган фарзандимиз учун нафақа пулларини ололмаяпмиз. Нима қилишимиз керак?

Зафар АШУРОВ,
Қашқадарё вилояти,
Шаҳрисабз шаҳри.

Узбекистон Республикаси Президентининг «болали оилаларни ижтимоий ҳимоялаш» ҳақидаги бир қатор Фармонларига мувофиқ, бола туғилиши муносабати билан бериладиган иккита энг кам иш ҳақи миқдоридаги нафақа (суюнчи) пули, икки ёшгача бўлган болани парваришлаш учун оналарга бериладиган ҳар ойлик нафақа миқдори (ўша пайтда -350 сўм) ҳамда 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга бериладиган ойлик нафақалар (миқдори болалар сонига қараб аниқланади) ишловчи оналарга уларнинг иш жойларидан, агар она ишламаса, ишловчи отанинг иш жойидан берилиши шарт.

Шу боис қонуний ҳуқуқларингизни дадиллик билан талаб қилинг.

Менинг 12 ва 8 ёшли икки нафар фарзандим бор. Болаларимнинг отаси 1994 йилда вафот этган. Ҳозирда туман ижтимоий таъминот бўлимидан фақат 300 сўм нафақа оляпмиз. Шу тўғримиз? Бундан ташқари, болаларнинг отасининг ҳарбий хизмат даври ва колхозда ишлаган даврлари меҳнат стажига ўтадими?

Саодат КУРБОНОВА,
Фарғона вилояти,
Данғара тумани.

Афсуски, сизга тўлиқ жавоб бериш учун имкониятларимиз чекланган. Чунки ушбу масалага тааллуқли ҳужжатларни жойида кўриб чиқиш лозим. Яъни, турмуш ўртоғингиз неча ёшида ва нима сабабдан вафот этганлиги, кейинги пайтда унинг нима ишлар билан шуғулланганлиги ва ҳоказолар болаларга тайинланган пенсия (нафақа) миқдорини аниқлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунга қарамасдан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 26-моддаси г/ бандига асосан оиланинг ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун марҳумнинг ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида пенсия тайинланиши керак. Демак, ҳар бир фарзандингиз учун ҳар қандай шароитда ҳам камида 200 сумдан (1996 йилнинг 1 апрелидан) боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўланиши лозим.

Бундан ташқари, Президентимизнинг «Болали оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги 1996 йил 4 мартдаги Фармонига биноан 16 ёшгача бўлган болаларингиз учун энг кам иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида ойлик нафақа тўланиши лозим. Шунингдек, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида махсус ташкил этилган маҳалла хайрия жамғармалари ҳисобидан ҳам моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Энди меҳнат стажи хусусидаги саволингизга жавобан шуни айтиш жоизки, пенсия тайинлаш учун амалдаги пенсия қонунининг 37-моддасига мувофиқ ҳарбий хизмат даври ҳам, жамоа хўжалигида (колхозда) ишлаган давр ҳам меҳнат стажини ҳисоблашда эътиборга олинади.

Ҳурматли таҳририят! Менинг 6 нафар фарзандим бор ва 30 йилдан буён ўқитувчилик қиламан. Имтиёзли пенсиялар тўғрисида тушунтириш берилишини сўрайман.

Б.ТУРДИҚУЛОВА,
Сирдарё вилояти, Ховос тумани.

Узбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 9-14-моддаларида имтиёзли шартларда тайинланадиган пенсиялар кўзда тутилган. Жумладан, қонуннинг 10-моддасида ёшидан қатъий назар ва муайян миқдордаги махсус иш стажига эга бўлган ходимлар (Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган касбларнинг биринчи сонли руйхати) тоифасига; 11-моддага мувофиқ ва 2-сонли руйхатдаги қайд этилган ер ости ишларида, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирган ҳолда имтиёзли пенсия тайинлаш кўзда тутилган.

Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ ва 3-сонли руйхатда кўрсатилган касбларда ишлаган ходимлар; уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар; беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни 8 ёшгача тарбиялаган аёллар; экология фалокати минтақасида ишлаган фуқаролар; ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари; шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар учун пенсия тайинлашда талаб қилинадиган ёш махсус иш стажи старли бўлган тақдирда имтиёзли равишда 5 йилга камайтирилади.

Демак, сиз ўқитувчи сифатида мазкур қонуннинг 12-моддаси к/ бандига мувофиқ 25 йилдан ортиқ махсус иш стажига эга булганингиз учун имтиёзли равишда ҳамда кўп болали оналарга бериладиган имтиёз тариқасида ҳам 50 ёшингиздан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгасиз.

Менинг 4 нафар фарзандим бор, катта ўғлим ҳарбий хизматда. Касаллигим туфайли тез-тез касалхоналарда даволанишимга тўғри келмоқда. Моддий ёрдам беришларини сўраб қишлоқ советига ёзган аризаларим қаноатлантирилмаяпти.

Очил РАСУЛОВ,
Қашқадарё вилояти,
Қамаши тумани,
II гуруҳ ногирони.

«Узбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 32, 37 ва 38-моддаларига биноан, ногирон сифатида сизга моддий ва ижтимоий турдаги ёрдам маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан кўрсатилмоғи лозим. Шунингдек, «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августдаги Фармонида белгиланганидек боқувчиси қисман меҳнат қобилиятини йўқотган ногирон ёки бемор булган сиз каби оилаларга моддий ёрдам кўрсатган, қишлоқ, овул, шаҳарлардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғини қарорига кўра тайинланади.

Моддий ёрдам пули ҳар ойда оиланинг моддий ва мулкий аҳволига қараб унга амалдаги энг кам иш ҳақининг 1,5 ва 3 бараваригача миқдорида тўланади.

Муҳтарам Очил ака, афсуски сиз хатингизда ногирон бўлиб қолганингизнинг сабабини ёзмагансиз. Мабодо ногиронлик ишлаб чиқаришда шикастланиш ёки касб касаллигига чалиниш билан боғлиқ булганда эди сизнинг соғлиғингизни тиклаш билан боғлиқ барча ҳаражатингиз сиз ишлаган жамоа хўжалиги ҳисобидан амалга оширилар эди.

Мен ҳарбий хизматни Афғонистонда ўтаганман ва ўша пайтда ҳарбий госпиталда даволанганман. Касаллик варақасидан кўчирма олишим учун қайси ташкилотга мурожаат этишим керак?

Абдували САРИТАЕВ,
Самарқанд вилояти, Пойариқ тумани.

Мазкур масала бўйича, яъни ҳарбий хизматда булган пайтингизда (1984-1986 йилларда) госпиталда даволанган аниқ вақтингиз, госпитал жойлашган макон, сиз хизмат қилган ҳарбий қисм ва ҳоказолар батафсил курсатилган хат ва ҳужжатлар билан узингиз яшаб турган тумандаги мудофаа ишлари бўлими (аввалги ҳарбий комиссариат)га мурожаат қилишингиз тавсия этилади.

Менга 1979 йил декабрь ойида туғилган фарзандим учун тўланаётган нафақани тўхтатилгани тўғрими?

Бегим ЭРНАЗАРОВА,
Қашқадарё вилояти,
Қарши тумани, пенсионер.

Хатингизда баён қилинганидек, сизнинг қизингиз учун олаётган ҳар ойлик нафақа пулининг 1996 йил 1 январдан бошлаб тўхтатилганлиги қонуний. Чунки болали оилаларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан тайинланган ойлик нафақалар 16 ёшгача болалари булган оиларга тааллуқлидир.

1937 йилда туғилганман. 33 йиллик меҳнат фаолияти (стажи)га эгаман. Аммо 1993 йилнинг декабридан то ҳозирги пайттача бекор юрибман. Мен муддатидан илгари пенсияга чиқишим мумкинми?

Солижон МАЮСУПОВ,
Наманган вилоти, Поп тумани.

Узбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш» қонунига мувофиқ, белгиланган тартибда иш билан таъминлаш маҳаллий давлат хизмати, яъни туман меҳнат биржасида иш қидирувчи сифатида руйхатга олинган ва «ишсиз» деб танилган булсангиз, у ҳолда Узбекистон Республикасининг амалдаги пенсия қонунининг 14-моддаси билан, ёшга доир пенсияларни муддатидан икки йил олдин, яъни 58 ёшингиздан бошлаб тайинлаш ҳуқуқидан фойдаланишингиз мумкин.

Демак, сиз Поп туман меҳнат биржасига мурожаат қилишингиз қерак.

Оғриқли нуқталар

ОТ ҚУЛЛУҚ БЎЛСИН...

Ўтган йили ёз фаслининг охирларида ғаллачилик билан шуғулланадиган катта бир хўжаликнинг раҳбари янги хизмат машинаси олганини одамлардан эшитдим. Нима ҳам деймиз... буюрсин. Фақат кўнгил озроқ хира бўлди: ҳозирги шароитда янги машина олиш шартмикин... Одамларнинг фикри эса кескин эди: «хўжалик ўтириб қолган, шунча пулга машина олгандан кўра ишловчиларнинг ҳақини берсин!». Ўша раҳбарнинг янги машинасини минган-минмаганлигини билмадим. Ҳар ҳолда бу ҳақда кейин бошқа гап-сўз эшитмадим.

Энди маълум бўлдики, бундай расм-русм утган йили Қашқадаре вилоятидаги хўжаликлар раҳбарлари ўртасида анчагина кенг тарқалган экан. Қаранг, йил қандай якунланаяпти, ҳосилдорлик, даромад қандайлиги эмас, раҳбарнинг қанақа машина олганлиги муҳим: «ГАЗ-31» ми «УАЗ-469». Одамларнинг рузгорида нима гап, қозон қайнаяптими, йўқми елғиз худога ҳавола. Яқинда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1995 йилги якунлари ҳамда шу йил 23 январда республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ғалла ва пахта етиштиришнинг якунлари, 1996 йилда ушбу тармоқларни ривожлантириш борасидаги чоралари ҳақидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Озод Пармонов вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини таҳлил этар экан, уз маърузасида раҳбарларнинг дунёқараши маънавияти масаласига ҳам алоҳида тухталиб утди. Ҳозирги шароитда халққа мадад бериш, унинг руҳини кутариб қийинчиликларни бирга енгиб утишга ҳаракат қилиш ўрнига, одамларнинг жигига тегаётган, уз нафсидан бошқани ўйламай умумнорозидик кайфиятини кўзгатаётган айрим раҳбарларга қандай баҳо бериш мумкин?

Нишон туманидаги «Гулистон» жамоа-ширкат хўжалиги 1995 йилни 16,5 миллион сумлик зарар билан якунлаган бўлсада, 650 минг сумга «УАЗ-469» машинаси сотиб олинган. Ҳамза номли хўжалик 302 миллион сумлик зарар кўриб турган пайтда 700 минг сумга енгил машина сотиб олинди. Косон туманидаги «Жарқум» жамоа-ширкат хўжалиги йилни 4 миллион 165 минг сум зарар билан якунлагани ҳолда 400 минг сумга енгил машина ҳарид қилди. Касби туманида эса 13 та хўжалик ва ташкилотлар турли фирмалардан векселга нархи 800-1 миллион 200 минг сум булган енгил машиналар сотиб олишган. Муборак туманидаги Бекки Саидов номли жамоа-ширкат хўжалигида «УАЗ» маркали хизмат машинаси бўлгани ҳолда яна «ГАЗ-31» енгил автомобили олинган. Шунингдек, тумандаги Амир Темур, Навоий, «Гулистон», «Қарлиқ», «Хитой» жамоа-ширкат хўжаликлари ҳам янги машина олиш учун 800 мингдан 1 миллион сумгача сарфлашган. Бундай мисолларни яна анча-мунча келтириш мумкин.

Бугунги пайтда раҳбарнинг масъулияти ҳар қачонгидан оғирлашган. Раҳбар фақат буйруқ берувчи эмас, одамларнинг шодликларини ҳам, ташвишларини ҳам бирга баҳам кўрувчи, эли учун яшаш ва ўзидан яхши ном, яхши ишлар қолдириш имкони берилган шахсдир. Қашқадарёда буни азалдан чуқур тушунишган. Шу сабабли ҳам бу юртда номлари ҳануз ҳурмат ва фахр билан тилга олинадиган, эл қайвонийси булган раҳбарлар кўп утган. Ҳозир ҳам уз сузида собит турадиган, фақат режаларнинг бажарилиши учунгина эмас, элининг орияти учун ҳам курашадиган хўжалик раҳбарлари кўп. Улар янги «ГАЗ-31» миниш билан обрулари, мавқелари ошиб кетмаслигини, бунақа дабдаба ярашмаслигини яхши билишади. Зотан, чавандознинг зури от танламайди, деган гап ҳам бор.

Муродилла КЕНГБОЕВ.

Машриқзамин дарғалари

МАВЛОНО ҲОФИЗ ТОШКАНДИЙ

XIV асрнинг ўрталарига келиб, Ўрта Осиё ва Шарқий ҳамда Ғарбий Хуросонда тўс-тўполонлар авж олганди. Бундай парокандалик, ўзаро феодал қирғинликлар боис хонавайрон бўлган юртни ҳалокатли аҳволдан олиб чиқиб, унинг қадимий қудратини қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш учун Ватан ўзининг қаттиққўл, фидоий ўғлонини кутарди. 1336 йили тавваллуд топган Амир Темур ибн Амир Муҳаммад Тароғай давр тақозо этган ҳудди шундай шахс бўлиб майдонга келди. У ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгач, Мовароуннаҳрдаги бошбошдоқликка чек қўйди. Уни қисқа давр ичида Чингизхоний салтанати қарамлигидан батамом холос этишга муваффақ бўлди ва пойтахти Самарқанд бўлмиш Мовароуннаҳрни илм-фан, маданият, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жиҳатдан дунёдаги энг қудратли давлатга айлантиришга интилди ва айлантирди ҳам.

Аммо унинг улими қудратли жаҳонгирнинг олдиндан уйлаб қўйилган талай оламшумул режаларининг амалга ошишига халал берди. Юртда яна ҳунрезликлар бошланиб кетди. Салоҳиятли барпо этилган ғоятда улкан давлат тезда чок-чокидан сўкилди. Мовароуннаҳрда Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек 1409 йили ҳокимият тепасига келди. У жанговор юришлардан кўра, мамлакатни илм-маърифат, маданият ўчоғи бўлиб қолишига астойдил киришди. Узи ҳам умрининг катта қисмини фанга бахшида этди. Дорулсалтанат Самарқандда ўз асрининг кўплаб алломаи замонлари Мирзо Улуғбекнинг раҳбарлигида илмий ишлар билан фаол шуғулланишга утдилар. Хусусан, Гиёсиддин Жамшид, Қозизода Румий, Муиниддин Кошоний, Муҳаммад Ҳавофий ва бошқалар қатори темурийзодалардан яна бир забардаст илм фидоийси Темурнинг эвараси бўлган Мирзо Мулло Муҳаммад угли Мирзо Аловиддин али Қушчи (1404-1474 йил) ҳам илм сардорининг энг яқин ҳамфикр сафдоши сифатида замонасининг Батлимуси яъни, Птоломейи деб ном қозониб довруг таратган эди. («Қушчи» нисбаси, унинг ёшлигида шикор ишларини бошқарадиган қарчигайвоз булганлигини англатади. - Ҳ.З). «Ойнинг шакллари ҳақидаги рисола» «Астраномия илми ҳақида рисола», «Муҳаммад Фотиҳ рисоласи», «Хитой ҳоконларининг тарихи» ва бошқа уттиздан зиёд шоҳ асарларнинг муаллифи бўлган Али Қушчининг тўлиқ исми Мирзо Аловиддин Али ибн Мирзо Мулло Муҳаммад ибн Мирзо Умаршайх ибн Амир Темур Кўрагонийдир.

1447 йилда Хуросон султони Мирзо Шоҳруҳнинг вафоти билан яна талай йилларгача Хуросон ва Мовароуннаҳрда кескин қонли можоролар бошланиб кетди. Ана шу талаш тортишишларнинг қурбонларидан бири ҳам Мирзо Улуғбекнинг (1394-1449 йил) узи булди. Олга силжиб бораётган тараққиётнинг илдизига болта урилди. Али Қушчи Мирзо Улуғбек ҳалокатидан кейин ҳам илмдан узилмади, ҳар қандай қийин шароитларга қарамай, қарийб яна йигирма йилга яқин сабот-матонат ила Самарқандда яшаб, илмий ишларини давом эттирди. Ниҳоят қора кучларнинг ўта кучли таъзийқлари остида Маккага ҳаж қилиш баҳонасида Самарқанддан бош олиб кетишга мажбур бўлди. У оиласи, яқин қариндошлари ва шогирдлари билан бирга дастлаб Хиротга борган, у ерда форстожик адабиётининг йирик намояндаси шоир Абдураҳмон Жомий ва улуғ Алишер Навоийлар билан учрашганлиги ва уларнинг ёрдамлари билан Эронга, сунгра Туркияга утиб, ўша ерда ҳаётининг охиригача яшади. Истамбулдаги машҳур Айё София мадрасасида бош мударрис бўлиб хизмат қилди. Кейинчалик бу улуғ мунажжимнинг авлодидан жуда куп олим ва фозил кишилар ҳам етишиб чиққанлар ва фан оламида учмас из қолдирганлар. Чунончи, унинг набираси Ҳофиз Қуйкий (уни Ҳофиз Кўҳокий Тошкандий ёхуд мавлоно Ҳофиз Тошкандий деб ҳам юритишган. Ҳ.З.) нисбаси билан машҳур булган олим шулар жумласидандир.

Йирик давлат арбоби, аллома ва толмас тадқиқотчи сайёҳ Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий саккиз юз тўқсон олтинчи ҳижрий йилнинг ақраб ойи бошларида (1490) Тошкент вилоятининг гузал Паркент туманида зиёкор мавлоно Мирзо Камолиддин ибн Аловиддин Али Қушчи оиласида дунёга келди.

Султон Муҳаммаднинг саводи жуда эрта чиқди. У манбаларда айтилишича, етти ёшидаёқ Қуръонни мукаммал ёд билган, нутқи ҳам равон бўлган. Кўхна туркий - чигатой тилидан бошқа араб, форс тилларини эминэркин мулоқот қила олган. Тўққиз ёшида мадрасанинг энг ёш толиби булган, уни ун бир ёшида барвақт тамомлагандан кейин отаси Мирзо Камолиддин 1501 йиллари бу суюкли углини олиб Маккага сафар қилган. Ёш Ҳофиз бир йил Маккада бўлиб, замонасининг талай номдор илм даргаларининг суҳбатларида булишга, узининг ёш булишига қарамай диний ва дунёвий илмлардан етук эканлигини кўрсатиб ҳаммани ҳайратда қолдирган, ўша ерда жойлашган Байтул ҳикманинг, яъни Академиянинг ёш «Фахрий аъзоси» деган шарафли номга сазовор булган. Шундан кейин илм-фанда донгдор улкалардан бири булган Багдодда у уч йилча қолиб ўз билимларини мукаммаллаштиришда давом этган ҳамда шу ерда у илмларнинг сардори - шайхулмашойихи деган ном ва ижоза (диплом) олган. Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий шу тахлит ун беш ёшларида ўша вақтларда Эроннинг пойтахти булган Исфаҳон, ундан Балх ҳамда Шарқий Хуросоннинг пойтахти Хирот шаҳарларида булиб, бу улкалар орқали ўз она юрти Тошкентга қайтган. Хиротда булган вақтида буюк мутафаккир Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомийларнинг ҳам қабрларини зиёрат қилган. Айтилишича, ўша вақтларда Шарқий Хуросон ҳукмдори, Алишер Навоийнинг қалин дўсти, темурийзода Хусайин Бойқаро ҳали ҳаёт булган. Ниҳоят, юқорида қайд этганимиздек, ватанига қайтган Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий илмий фаолиятга қаттиқ берилган ва бу борада тезда ном қозониб, кўпроқ тошкандлик Ҳофиз Қуйкий деб танилган. Олим бир қанча вақт Қуйлиқда яшаганлиги учун, тарих зарварақларида мавлоно Ҳофиз Қуйлий деб ҳам зикр этилади.

Тошкент шаҳрининг Чигатой дарвозасидаги Ҳофиз Қуйкий номли маҳалла қадимдан шу улуғ зотнинг номи билан аталиб келинган. Ҳофиз Тошкандийнинг Паркентдан ушбу маҳаллага келиб турғунлашиб қолганлиги эҳтимолдан йироқ эмас. Юқорида зикр қилинган «Қуйкий» тахаллусини эса Ҳофиз ўзи туғилиб ўсган Паркентнинг Кўҳок қишлоғига нисбатан қуллаган булиши мумкин, чунки, Кўҳокий сузи «кух»-«тоғ» деган сўздан олиниб, тоғлик Ҳофиз Кўҳокий деб аталишига сабаб булганлиги ҳақиқатга яқинроқдир.

Ҳофиз Қуйкий Тошкандий истеъдодли муаррих, ҳуқуқшунос, мутаржим, илми нужум, жўғрофия, этнография, ҳандаса, риёзиёт, фалсафа, сарф-наҳв соҳаларининг улкан билимдони булган, улардан ўз илмий ижодий ишларида унумли фойдаланган алломадир. Тошкентлик тарихчи «Тарихи жадидаи Тошканд» асарининг муаллифи Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа угли ҳам ўз асарида Ҳофиз Қуйкий ҳақида: «Фирдавсмонанд Тошканд диёридаги Ҳофиз Қуйкий маҳалласидан мавлоно Кўҳокий ақлий ва нақлий илмларда бағоят зўр олим булган. Ҳофиз Кўҳокий Тошканд аҳли ва бошқа жуда кўп улка олимларининг ифтихори булиб, бутун Дашти Қипчоқ, Фарғона, Мовароуннаҳр, Бухоро, Хоразм, Эрон ҳамда Шарқий Хуросонда ҳам ҳурмат-эътиборга эга, кенг шуҳрат қозонган забардаст олимдур»,- деб ёзган эди.

Ҳофиз Тошкандий илмининг равнақ топиб, камолат чўққисига чиқа бошлаган даври - Шайбонийхонлардан Хожа Убайдуллохон даврига тўғри келади. У Убайдуллохон ҳукмронлигининг дастлабки вақтларида бир фурсат дорулсалтанат Самарқандда вазири аъзамлик лавозимида ҳам турган. Абдуллахон II даврларига келиб эса, у илм-фан оламида кузга кўринган йирик сиймолардан бири сифатида «Алломаи замон» деб танилган эди. Олим турли масалаларга доир ўндан зиёд нодир илмий асарлар ёзиб қолдирган. Унинг «Тарихи Тошкандий», «Мезон ул-адаб» каби асарлари бизгача етиб келган.

Ҳофиз Тошкандий форс, араб, турк, пушту, урду, ҳинд ва бошқа тилларни, кўпгина халқлар адабиётини, тарихини яхши билган, Шарқ ва Ғарбда танилган. У давлат ишлари билан машғул булган вақтларида ҳам, илмий-ижодий ишларини тухтатмай давом эттирган, мударрислик қилган. Шу билан бирга, олам кезиб эл таниган. Ироқ, Сурия, Яман, Судан, Жазоир, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Уйғуристоннинг қатор шаҳарларида саёҳатларда булган. У Ҳиндистонда икки марта булади, хусусан, биринчи марта Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 1528 йили Ҳиндистон заминини узил-кесил фатҳ этиб, бу зафарни тантанали нишонлаганида, уз она юртидан, Урта Осиёнинг турли шаҳарларидан, Хуросондан, Дашти Қипчоқ ҳамда ҳатто Сибир хони Кучумхон юртидан ҳам нуфузли меҳмонлар чорлатган эди. Шу меҳмонлар қатори Самарқандан ҳукмдор Хожа Убайдуллохоннинг элчиси сифатида Ҳофиз Тошкандий ҳам Ҳиндистонга боради.

Ушанда у Бобурнинг зўр тантанали қабул маросимида қатнашар экан, подшоҳ саройидаги расм-русумларни ҳамда Деҳли, Ҳайдаробод, Жайпур, Агра, Банорас, Калкутта, Бомбей, Кашмир ва бошқа жойларда кўрганкечирганлари, маҳобатли иншоотлари-ю у ерларнинг ажойиб-ғаройиботлари ва иқлим шароитлари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади. Юқоридаги сафар туйи тантаналарига қайтадиган булсак, жумладан, Бобур узининг «Бобурнома»сида: «Шанба куни ойнинг олтисинда туй булди. Қизилбоши ва узбек ва ҳиндуларнинг элчилари бу туйда бор эдилар... ... Улуғ ош тортилгондин кейин, Хожа Абдушаҳид била Хожа Калонға урмак абралик киш жуббалар муносиб хилъатлар била кийдурулди. Кучумхоннинг элчисинга ва Ҳасан Чалабийнинг инисинга ҳам кумуш бошлиқ, тугмалик киш жуббалар, фарохурий хилъатлар иноят булди... Хожа Мир Султонга ва уғлонларига ва Ҳофиз Тошкандий ва Мулло Фарруҳ бошлиқ Хожанинг (Самарқанд султони Хожа Убайдуллохонга ишора этилади - Ҳ.З.) мулозимларинга ва узга элчиларга ҳам олтундин, кумушдин таркаш била инъомлар булди», деб ёзади. Ҳофиз Тошкандий, шубҳасиз, Бобур саройида кузга кўринган шоиру олимлар билан кўришган, суҳбатлашган булса керак. Чунончи, ўз замонасидаёқ буюк Алишер Навоий ҳазратларининг беқиёс илтифоти ҳамда чексиз беназир ғамхурликларининг офтоби деб шуҳрат қозонган машҳур муаррих «Макорим ул-аҳлоқ» («Олижаноб фазилатлар»), «Ҳабиб ус-сияр» («Инсон хабарлари»), «Хулосат ул-ахбор» («Ҳайирли кишилар ҳақидаги хабарлар хулосаси») каби асарларнинг муаллифи Хондамир (1475-1534 йил) шулар жумласидан ҳисобланади. Бинобарин, мазкур унутилмас учрашувларга бағишланган боблар Хондамир асарларида қайд этилган ва Ҳофиз Тошкандий ҳақидаги ажойиб фикрлар шу боблардан жой олган булиши ҳам мумкин.

Ҳабибулло ЗАЙНИДДИНОВ.
(Давоми келгуси сонда).



ХИЗМАТИ ЭЛГА МАНЗУР

— Келинг, Носир ака, келинг!

— Туйлар муборак. Туйлар кўпаяверсин. Бир қоп гуруч, ун килограмм ёг олиб келдим. Ҳисоб-китоби туйдан кейин.

— Раҳмат, ака. Умрингиздан барака топинг!

Бука туманидаги «Узбекистон мустақиллиги» жамоа хўжалигининг «Янгиобод» қишлоғидаги шахсий дукон мудири Носир Фатхуллаевни одамлар ана шундай фазилатлари учун ҳурмат қиладилар.

—Туйлар кўпайсин, — уйланиб туриб деди у. — Аза ёмон. Лекин бошимизда бор. Ана шундай хонадонга ҳам гуруч, ёг, иложи булса ун ҳам етказиб бераман. Катта йигин қилганда кўпчиликнинг қули калталик қилади. Имкони булгандан кейин албатта ҳисоб-китоб қилиб кетади. Қишлоқчилик, қийин вақтда ёрдам бериш керак.

Меҳнат фаолиятини 1966 йилда механизаторликдан бошлаган Носир Фатхуллаев кейинчалик бригада бошлиги булиб ишлади.

— Уғлим, деди бир куни уни идорага чақиртириб жамоа хўжалиги раиси Мирзахмад Ҳайитбоев. — Ҳаммамиз халқ учун хизмат қилаяпмиз. Халқ сени бошқа ишга талаб қилаяпти. Эртадан дуконни қабул қилиб ол.

Носир Фатхуллаев орадан кўп вақт утмай «Савдо аълочиси» нишони эгаси булди, мукофотга енгил машина олди. Буларнинг ҳаммаси халқ талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олиб, зарурати булганида одамларнинг уйларига айрим турдаги зарур маҳсулотларни олиб бориб турганлиги, одамларни ҳурмат қилиб, одамлар ҳурматини қозонганлигидандир.

Носир ака 1991 йилда қушни «Равот» жамоа хўжалиги марказидаги дуконга мудир булди, шу вақтларда ўз уйида дуконнинг филиалини очди, маҳалланинг узоғини яқин қилди.Шу йил бошидан ўз уйида алоҳида хусусий дукон ташкил этиб, 1400 киши яшайдиган қишлоққа ўзи хизмат қила бошлади. Дукон сотувчиси булиб турмуш ўртоғи Бегимой Аминова иш бошлади. Қушни «Ачамайли» жамоа хўжалигидан, Ҳамза номли жамоа хўжалигидан ҳам харид учун кишилар келиб туришади, улар Носир акани ўз қишлоқларида дукон очиб ишлашга таклиф этадилар.

— Яқинда саксон ёшга кирадиган онам Очилбиби Яҳёевага доимо қуллуқ қиламан, — дейди у. — Шу қишлоқда бригада бошлиги, дукон мудири булиб ишлаганлар. Савдо ишига, одамларга чин кунгилдан хизмат қилишга шу киши ургатганлар. Менга билдирилаётган иззат, ҳурмат онамлар туфайли.

Суратда: Носир ФАТХУЛЛАЕВ иш устида.

Темур ХАЙДАРОВ.
Муаллиф олган сурат.

Муносабат

ИРОДАМИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК

Мустақил Узбекистон кенг имкониятларга бой эканлигини бугунга келиб амалда исботлаб турибди. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида эришилган муваффақиятлар жараёнларини бир вақтда бошлаб юборган бошқа мамлакатларга муқояса қилганда ҳам улар салмоқли эканлиги яққол кузга ташланади. Масалан, МДХга кирувчи баъзи мамлакатларнинг иқтисодий курсаткичларини таҳлил қиладиган булсак, Белоруссияда ички ялпи маҳсулот 60,5, саноат маҳсулоти 61 фоизни, Қирғизистонда ички ялпи маҳсулот 50,3 фоизни, саноат маҳсулоти эса 35,0 фоизни ташкил этди. Россияда бу курсаткичлар 62,2 ва 50,0 фоиз, Украинада 44,4 фоиз ҳамда 53,0 фоизни ташкил этган бир шароитда Узбекистонда ички ялпи маҳсулот 81,1 фоиз, саноат маҳсулоти эса 99,9 фоизни ташкил этди.

Инвестиция жараёни утган йили 1994 йилга нисбатан Россияда 13 фоизга Белоруссия ва Қозогистонда 27 фоизга, Украинада 35 фоизга камайган булса, Узбекистонда бу курсаткич 29 фоизга уси. Биргина шу рақамларнинг узи Узбекистон ўз тараққиётини тўғри белгилаганлигидан дарак бериб турибди. Республикада инвестиция миқдори ошиши натижасида етакчи тармоқларнинг тараққиётига алоҳида эътибор берилдики, шунинг орқасидан автомобиль, радио, электроника, нефтни қайта ишлаш саноатлари янгича суръат билан ишлай бошлади. Қолаверса, мавжуд хом ашёларни қайта ишловчи енгил ва озиқ—овқат саноатлари самарали фаолият юрита бошлади.Юқорида келтирилган рақамлар шундан далолат бередики, юртимиз мустақилликни иқтисодий огир шароитда қулга киритган булишига қарамай, собиқ иттифоқнинг бошқа республикаларига нисбатан бу соҳада бир мунча илгарилаб кетди.

Мустақилликка эришгунга қадар республика собиқ иттифоқ таркибидаги мустақил, суверен давлат ҳисобланса - да, хорижий давлатлар билан битим тузиш,улар билан тенг манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилишга имконияти йўқ эди. Бу вазифаларни иттифоқ номидан ягона давлат вакили сифатида «марказ» бажарар эди. Шу билан бир қаторда битимнинг манфаатдорлик тамойиллари ҳам уша ерда уз ифодасини топар эди. Республикалардан тушган тушумлар ҳам марказда тупланиб, «марказ» назорати остида булар эди. Давлат бюджети шундай тақсимланар эдики, пировард натижада бошқа республикалар қатори Узбекистон бюджетининг ҳам бир қисми тўлмас ва 30 фоизгача дотация олишга мажбур булар эди. Россия Думаси ўйлаб топган найрангларни ана шу боқимандаликни қумсаш деб тушуниш керак, менимча.

Албатта, ҳар қандай давлат тараққиёти учун интеграция муҳим омил ҳисобланади, аммо у тенг манфаатдорлик асосида булиши лозим.Бухусусда Республикамиз Президенти И. Каримов Узбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига берган жавобларида ҳар қандай интеграцияга қушилишимизда маълум бир тамойилларга амал қилишимиз лозимлиги хусусида аниқ маълумот берганлар. Яъни республика интеграцияга тенг ҳуқуқли, мустақилликни тўлиқ сақлаб қолиш асосида; бир хилдаги қонуний базага, бир хилдаги иҳлосот йуналишига эга булган; уз режаларини бошқа давлатлар ҳисобига тузмайдиган, яъни боқимандачиликка йул қуймайдиган тартибда қушилиши мумкин. Ана шунда ҳар бир республиканинг уз нуфузи,мавқеи ва иродаси сақланиб қолган булади.

Фатхулла Каримов,
Тошкент Молия институти проректори.

ПУЧ ҒОЯЛАР ТИМСОЛИ

«Ватанни севмоқ иймондандур».

Муътабар ҳадисда келтирилган ушбу ҳикмат замирида салмоқли маъно ётади. Зеро, Ватан муқаддас тушунча булгани учун ҳам у иймонни мустаҳкамлайди. Ҳар қандай ватанпарвар уз юртининг ютуғи билан фахрланади. Бугун жаҳон ҳамжамиятига тенглар ичида тенгдек булиб чиқаётган Узбекистоннинг мустақиллигини кураи заминнинг 174 мамлакати тан олди. Юртимизда 37 та хорижий давлатлар элчихонаси фаолият курсатмоқда. 20 га яқин дустларимиз тупроғида элчихоналаримиз ишлаб турибди. Қолаверса, 1992 йилнинг 2 мартидан эътиборан республикамиз байроғи БМТ қароргоҳида ҳилпираб бошлаганида юраклар қувончдан ҳаприқиб кетди.

Истиқлол йулини аниқ белгилаб олган мустақил республикамизда ислоҳот одимлари уз самарасини курсатаётир. Уйлаб хорижий мамлакатлар билан урнатилган иқтисодий, маданий ва ижтимоий муносабатлар ҳозирга келиб юртимизни ҳар томонлама обод ва озод қилишга хизмат этаётганини тан олиш керак. Бу борада куни-кеча Асакадаги «УзДЭУ авто» қушма корхонасидан илк намуналари чиқарила бошлаган автомобилларни эътироф этиш мумкин. Эътибор берилса, бу синтари иқтисодий самарани Марказий Осиедаги давлатлар орасида ягона деса булади...

Ана шу муваффақиятларга, мустақил республикаларнинг ютуғига гаразгуй назар билан боқаётган Россия Давлат Думаси СССРни қайта тиклаш васвасасига тушиб қолганига ажаблланмаса ҳам булади. Зеро, бундай интилиш фақатгина иймонсиз, эътиқодсиз «ватанпарвар»ларда булиши мумкин.

Кундан-кунга гуллаб яшнаётган, куну тунлари байрамга тула булган Узбекистоннинг мустақиллигини олқишлар эканман, Давлат Думасининг уйларини пуч гоя деб ҳисоблайман.

Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА,
ТошДУ халқаро журналистика бўлими толибаси.

Ташвишли сигнал

СУТ НЕГА КАМАЙМОҚДА?

Йулдош Эргашев номли жамоа хўжалигида ажойиб чорвадорлар, моҳир сут соғувчилар кўп эди. Бу ерда моллар сони кўпайтирилиб, кунига 2-2.7 тоннагача сут соғиб олинарди.

Афсуски, Нормурод Нуруллаев фермага етакчи булди-ю, иш орқага кетди. Сут тайёрлашда хўжалик қолоқлар сафига тушиб қолди. Хўш, бунга сабаб нима? Энг аввало ферма мудири ишга масъулият билан қарамайди. Уни кўпинча фермадан топиш амри маҳол.

Биринчи марта фермада булганимизда ҳисобчи Аҳтам Шариповдан бошқа кишини учратмадик. Ферма мудири тўйга кетган дейишди. 3-4 соат кутдик. Лекин ундан дарак булмади.

Фермада 265 бош соғин сигир бор экан. Биз борган куни сут соғувчи Ойнисо Боқиева узига қарашли 11 бош соғин сигирдан 41 килограмм сут соғиб қолган эди, холос. Бозоргул Боқиева 12 бош соғин сигирдан 48 килограмм, Гулжон Тухтаева 13 бошдан 49 килограмм, Гулчеҳра Асадова 15 бош соғини сигирдан 54 килограмм сут соғиб олганларини қандай баҳолаш мумкин, ахир?

Уша куни биз туман сут қабул қилиш пунктида ҳам булдик. Бир кунда Пешку тумани буйича қабул пунктига 4464 килограмм сут топширилибди. Ҳолбуки, яқин йилларгача бу рақам 14-15 тоннадан ошса ошардики, кам булмасди. Йулдош Эргашев номли жамоа хўжалигида эса уша куни 910 килограмм сут топширилган булиб, бу ҳар сигир бошига ақалли 4 килограммга ҳам тўғри келмайди.

Фермада озуқа етарли. Фақат ишда масъулият сезилмайди. Ферма мудири чорвадорларга шарт-шароит яратиб бериш ҳақида қайғурмайди, кўпинча бозор иқтисодиёти шароити деган баҳоналарни рукач қилади. Шундай булмаса қорамоллар сони бир йилда 202 бошга камаярмиди. Моллар сони камайгач, гўшт бир йилда 9.8 тонага, сут 201.4 тоннага камайганини ферма мудири Нормурод Нуруллаев қандай изоҳлаб бераркан-а?

Куни кеча биз яна шу сут-товар фермасида булдик. Бу ерда сут, ҳам, гўшт ҳам кам. Тозаллика ҳам мутлақо риоя этишмайди. Ферма мудири зоотехник билан ҳозир шу ерда юрган эдилар, дейишди кўпчилик. Афсуски, улар бизни кўриб қаергадир гойиб булишган эди. Ҳеч қайсидан дарак булмади.

Туман агрохизмат уюшмаси мутахассислари бу хўжаликда олдинги шуҳратларини тиклашлари учун шошилинч чора-тадбирлар кўрмоқлари даркор.

Собир Қодиров.

Тўйхат ўрнида

АДАБИЁТГА САДОҚАТ

Бундан ўттиз йилча аввал мен Тошкент Давлат университетининг филология факультетида домлам Ҳасанхўжа акага бир китоб бериб юборадиган бўлдим. Китобни эса бир қиз элтиб беришига тўғри келди. Аммо у қиз Ҳасанхўжа акани танимас экан. Мен Ҳасанхўжа акадан:



— У қиз сизни қандай қилиб топади? — деб сурадим.

Ҳасанхўжа ака эса:

— Сочларимнинг оқлигидан ажратиб олади, — дедилар.

Одамнинг сочлари навқиронлик йилларида бежиз оқармас. Ҳасанхўжа аканинг сочлари ҳали уттиз ёшга ҳам кирмасиданоқ оқариб кетган эди... Бевақт тушган соч оқлари Ҳасанхўжа ака ҳаётининг айни навқирон фаслида юз берган, мутлақо кутилмаган жуда оғир фожианинг асорати эди. Ушанда автомобиль фалокатида умр йулдошидан айрилган Ҳасанхўжа аканинг сочлари бир кечада оппоқ оқариб, унинг севимли кишисига муҳаббати нақадар чуқурлигини яққол намоён қилган экан. Бундай ногаҳоний фалокатдан кейин соч оқлиги ута донишмандликни англатиш ўрнида турсин тўрт мучаси соғ, билимлари мукаммал ва етук истеъдодли одамни ҳам бир умрга эсанкиратиб, довдиратиб қўйиши, ҳаёт ҳақидаги қарашларини, турмуш тарзини, эзгу орзулари-ю, муқаддас мақсадларини ҳам бутқул ўзгартириб юбориши мумкин эди. Мазкур фожиа Ҳасанхўжа акани изтиробга солди. Аммо у киши ирода ва жасорат ҳам топа олди...

Ҳасанхўжа ака ёшлигиданоқ бадиий адабиётга ҳам уқуви баланд, ҳам қизиқиши чексиз эди. Бу туйғу даъвати билан 1955 йилда у Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирган эди. Факультетда Айюп Ғулом, Ҳомил Ёқубов, Ғулом Каримов, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Лазиз Қаюмов, Фозила Сулаймонова каби йирик олимлар, етук педагоглар маърузалари юксак савияда булар, Ҳ. Муҳаммадхўжаевнинг илмга ташна қалби ноёб сабоқдардан таълим олиб, вояга етди. Талабалар давраси, ёшларнинг адабий муҳити ғоятда истеъдодли йигит-қизлар ҳамнафас эдилар. Ҳасанхўжа ака билан беш йил бирга таҳсил олган, кейинчалик истеъдоди билан халқнинг севимли шоири булиб етишган Эркин Воҳидов, Анвар Исроилов, Анвар Эшонов, танқид, адабиётшунослик ва журналистика соҳасида кейинчалик донг тараладиган Норбой Худойберганов, Талъат Солиев, Раҳматилла Иноғомов, Матлуба Исломова сингари истеъдодли ёшлар бор эди. Мазкур даврадаги илмий мунозаралар, теран-таҳлили мушоҳадалар ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Яъни, Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев ҳам билим соҳасида камолот томон интилишга қалбидан даъват ҳис этар эди. Интилишлар кўп утмай, ўз самарасини берди ва у университетни тугатгандан сўнг ўзбек адабиёти кафедрасида ишлаш ва илм билан шуғулланиш учун олиб қолинди. Ушандан буён, яъни қарийб ўттиз олти йил мобайнида у оддий ўқитувчиликдан доцентликка, кейинги вақтда эса, мумтоз ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири даражасигача кўтарилди. Бу йиллари Ҳ. Муҳаммадхўжаев бадиий адабиётга садоқат билан хизмат қилди. Унинг маърузаларини тинглаган талабалар орасидан кейинчалик Уткир Ҳошимов, Ойдин Ҳожиева, Турсуной Содиқова, Равшан Файз, Зулфия Муминова сингари истеъдодли ижодкорлар ва Б. Назаров, А. Каттабеков каби танқидчилар, олимлар етишиб чиқди.

Бутун онгли фаолияти давомида Ҳ. Муҳаммадхўжаев адабиётга садоқат билан хизмат қилишнинг асосий воситаларидан яна бири сифатида бадиий ижодни илмий жиҳатдан теран тадқиқ этиш йулини танлади. Унинг бу соҳадаги дастлабки изланишлари узбек ва озарбайжон адабиётлари орасидаги қардошлик алоқаларини урганишга қаратилди. Хусусан, узбек, озарбайжон ва рус адабиётшунослигидаги сонсаноқсиз китобларни, манбаларни ўрганиб чиқишга ҳамда таҳлил доирасига тортишга муваффақ булади. Натижада тадқиқотда адабиётшунослик учун янгилик булган айрим далиллар, асарлар, манбалар юзага чиқиши учун ҳам имкон туғилади. Чунончи Ҳ. Муҳаммадхўжаев Фузулий ижодининг узбек адабиётига таъсирини илмий жиҳатдан асосли ёритишга интилар экан, улуг озарбайжон шоирининг XIX асрда андижонлик бир издоши булганлигини ҳамда у «Чой ва кўкнор мунозараси» асарини яратганлигини аниқлайди. Оқибатда узбек адабиёти тарихи ҳақидаги илм шу асарнинг қай даражададир амалга оширилган таҳлили билан бойитилади. Мана шундай янгиликларга ва хулосаларга бойлиги сабабли дастлабки тадқиқотлари асосида Ҳ. Муҳаммадхўжаев 1972 йилда номзодлик диссертациясини ёқлашга, 1976 йилда эса «Қардошлик туйғуси» номли китобини нашр этишга муваффақ булади.

Узининг 60 ёшини нишонлаётган Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев бадиий адабиётга садоқат билан хизмат қилишни умрининг мазмунига айлантирган, мумтоз узбек адабиёти тарихини ўрганиш соҳасига узига хос улуш қушган заҳматкаш олим ва университетда уқиладиган маърузани санъат асари даражасига кўтаришга интилган таниқли педагог ҳисобланади. Шу фазилатлари билан у минглаб шогирдларининг, адабий жамоатчиликнинг, демакки, халқининг ҳурмату эътиборини қозонди.

Санжар СОДИҚ,
ТошДУ доценти.

Суратда: Ҳ. МУҲАММАДХЎЖАЕВ (ўртада) олимлар С. ҒАНИЕВА ва И. ҚЎЧҚОРТОЕВ билан адабий учрашувларнинг бирида.

Соғлом авлод учун

ФАРЗАНДЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Бугунги кунинг долзарб масалаларидан бири - «Оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш» барчамизни диққат-марказимизда бўлмоғи керак. Тошкент Педиатрия илмий-текшириш институти клиникасининг олий тоифадаги бош врачи, тиббиёт фанлари номзоди, соғлиқни сақлаш аълочиси Шуҳрат Боситович Турсунов билан қилган суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

- Узбекистон Республикаси ҳукумати ва шахсан Президентимиз оналар ва уларнинг фарзандлари саломатлигини муҳофаза қилиш ишларига умумдавлат ва йирик ижтимоий аҳамият эга булган муаммо сифатида устивор эътибор бериб келмоқда. Бу борада давлатимиз мустақил булганидан бери 5 йил ичида кўплаб қарорлар қабул қилинди. Бизнинг клиникамизда ҳам оналик-болаликни муҳофаза қилиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатди-ки, профилактик эмлашлар болалар инфекцияларига қарши курашиш учун энг тўғри ва қудратли воситалар. Аввалдари собиқ Иттифоқ даврида Московнинг кўрсатмаси билангина эмлашни бажарар эдик. Ҳозирги пайтда Республика Педиатрия илмий-текшириш институти директори, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Орхон Маҳмудов бошчилигида Узбекистоннинг шароитига мослаб болаларни эмлашни янги тизими ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилди.

Ҳар бир она фарзандининг соғлом, зуваласи пишиқ, бахтли-саодатли булиб улғайиши учун қайгуради ва чақалоқ туғилмасиданоқ унга тайёргарлик кура бошлайди. Ҳомиладорликнинг дастлабки кунларидан «Она - йулдош - ҳомила» тарзида узаро алоқа булса, фарзанд туғилгандан сунг «Она - кўкрак сути - бола» тариқасида давом этади. Бу узаро алоқа ёрдамида бола оналан керакли озиқ, импульс ва биологик фаол моддаларни олади. Бу алоқанинг бузилиши она учун ҳам, бола учун ҳам ниҳоятда хавфлидир. Бахтга қарши кейинги йилларда республикамизда уз фарзандини кўкрак сути билан эмизиб боқадиган аёллар сони камайди. Бу фарзандларимизнинг нимжон, касалманд булиб ўсишига сабаб булмоқда. Бундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида клиникамизда «Кўкрак сути билан боқиш ва тарғибот қилиш» республика марказини ташкил этдик ва у фаолият кўрсатяпти.

- Она ва болалар соғлиғи, уларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар нималардан иборат бўлаяпти?

- Халқимизнинг доно бир гапи бор: «Пойдевори мустаҳкам уй узоқ туради». Бинобарин, мустақил Узбекистонимиз келажаги учун фарзандларимизни соғлом қилиб устириш, халқимизга муносиб қилиб тарбиялаш ва юксак фазилатли инсон қилиб вояга етказиш нафақат давр талаби, балки барчамизни муқаддас бурчимиздир. Инсон ҳаётининг мазмуни, гўзаллиги бола билан. Ота-онанинг меҳр-муҳаббати, ғамхурлиги эса боланинг, ороми, осойишталигини таъминлайди. Бола соғлом булсагина ота-онанинг кунгли тук, масрур була олади. Лекин фарзандининг соғлом булиши учун қадимгиларнинг «Соғ онадан соғлом бола туғилади» деган оддийгина иборани эслаш кифоя. Эндиликда оналар ва болалар соғлиги ҳақида қайғуриш фақатгина оила аъзоларининг ташвиши булибгина қолмай, давлат аҳамиятига молик масалага айланди. Она ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш учун, аввало, туғруқхона ва болалар даволаш муассасалари биринчи навбатда дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда. Халқаро ташкилотларнинг ҳайрия ёрдамининг асосий қисми ҳам уларга ажратилмоқда. Қарийб ҳамма вилоят ва айрим туман касалхоналарида ҳомиладор аёлларнинг саломатлигини тиклаш учун экстрагенитал булимлар очилди. Бундан ташқари Тошкент шаҳрида оилавий шифокор поликлиникаси ташкил этилиб, бунда шифокорлар оилавий турмуш қуришга шайланаётган қизларни тиббий нуқтаи назардан никоҳ гигиенаси ва жинсий ҳаёт ҳамда келажакда соғлом фарзанд ҳақидаги билимлардан хабардор этмоқдалар,туғилган болани соғлом, баркамол, касалликларга бардошли булиб

ТИЛ «ЯРАСИ»

Турмуш чорраҳаларида

Донишманд шоирлар айтганидек,
«Тилингда бўлса болинг,
Кулиб турар иқболинг».

Истеъдодли одамга - дағаллик, қобилиятсизга - мансаб ярашмас экан. Кечагидай ёдимда. 60-йиллар эди. Тошкент вилоятининг Урта Чирчиқ туманига қарашли «Полярная звезда» колхозига хизмат сафари билан бордим. 25 нафар «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони» бўлган бу ҳужалиқ раҳбари қўш «Олтин юлдуз» нишондори, ниҳоят даражада камтарин инсон Ким Пен Хванинг ҳузурида бўлдим.

Раис хонасига ўттиз ёшлардаги чуваккина қозоқ йигит «мумкинми» деб кириб келди. Ҳали у оғиз жуфтлаб улгирмасидан аввал хона соҳиби «Ассалому алайкум, дея ўрнидан даст туриб келиб, меҳмонни тўрга таклиф қилди. Нажот истаб келган йигит уриндиққа жойлашгач, раис ундан пойгакроқ томонга ўтди ва ўтирди. Ота-онаси, угли-қизи, рафиқасининг отларини айтиб, уларнинг саломатлигини сўради. Йигит синглисини Тўйтепага узатмоқчи эканлигини айтиб, туйга таклиф этди. Раис «бизга хизмат»деганда, у анчагина гуруч, ун, ёг, пул сўради. Ён дафтарига ўшаларни қайд этгач, уни йиртиб колхозчига узатди ва деди:

-Буларнинг ҳаммаси сенга, оиланга туй совғаси деб билгин. Кейин тулайман, қарздорман, деб ўйлаб юрма, тағин. Ҳаммаси колхоз ҳисобидан. Яна керак бўлиб қолса, тортинма, кел.

Колхозчи миннатдор бўлиб чиқиб кетаётганда раис яна тайинлади: «Ёзилганларнинг ҳаммасини бугун ол, транспорт беришади, мени айтди, де».

-Бу йигит кимингиз бўлади?- сўрадим Ким Пен Хвадан.

-Мени раисликка сайлаган колхозчилардан бири.

-Сиз раис бўлганингизга қирқ йилдан ошган, бу эса...

-Бунинг ота-онаси сайлаган. Ишониб сайлаган.

-Колхоз ҳисобидан шунча нарсани хотамтойлик қилиб бериб юбордингиз. Бошқаларга ҳам ҳимматингиз баланд бўлса...

-Бўлинмас фондимиз бор, -деди раис босиқлик билан.- Колхозчиларимиз ҳар йили шу фондга деб анча-мунча пул ва ғаллаларини топшириб қўйишади. Улар ҳам биздан аяшмайди, бизлар ҳам. Қарс икки қўлдан чиқади.

Сўнгра раис «менинг қабул вақтим суткасига ўттиз соат», деди. Яна қўшиб қўйди: «Шу қора кўзлар шахсий уйим - хонадонимнинг эшигини ярим кечада оёғи билан тепиб кириб келишса ҳам бошим осмонга етади.

Устод Раҳимжон Усмонов айтган эдилар: «Тил бамисоли шундай нафис бир мусиқий асбобки, оқилу омиллар ундан ёқимли ва сеҳрли садо чиқариб инсон қалбини узларига мафтун этадилар, нодонлар эса нохуш садо чиқариб инсон асабини қирғичлайдилар». Ҳазрат Алишер Навоий демишлар: «Қайси бир кўнгилга қаттиқ сўздан яраланган бўлса, аччиқ тил заҳарли найзадек бўлур. Кўнгилга қадалган тил ханжари етказган жароҳат битмайди, унга ҳеч нарса малҳам ўрнини тутмайди». Демак, яхшилик ва ширин сўз ҳам, дағал ва нордон гап ҳам инсон юрагида ўчмас из қолдирар экан.

Қўйлиқ бозорида шаллақи олиб-сотар бир таққирнамо бўлиб, ўша бозорда жаранглаган калимлар кейинчалик акс-садо бериб унинг қулоғида неча марта жаранглади экан. Бутун умрга балки Париж қунғироғи каби такрорланиб турар.

Бозорчи оғзининг бир чеккасидан ўқдай отилиб чиқиб кетган ёвуз сўзлар орада кунлар-йиллар ўтказиб, шу зиёли одамнинг бошини ерга тегизишига сабабчи бўлар. Билмаймиз, билолмаймиз бунинг оқибатини! Ҳаммамиз бу дунёга меҳмонмиз. Нега бир-биримизни аямаймиз.Балки умримиз бир неча кун, бир неча ой қолгандир. Ҳой-ҳот! Бунчалар ўзимизга, бир-биримизга бераҳм зиёлининг умрини қанчалар қисқартирганлигинг беҳол гувоҳи бўлганман.

-Йигирма сўмдан бера қолинг, - яна қайтадан илтижо қилди ёши бир жойга бориб қолган алп қоматли сипогина кийинган киши.

-Картошканинг килоси 22 сўм дедимми - тамом!-деди сақич чайнашда давом этаркан сотувчи хоним.

-Хўп денг, йигирма сўмдан,- ялингансимон ўнг қўлини чап кўксига босди харидор. - Илтимос.

-Қанча оласан? - Отаси тенги одамни назарига илмай сансираб деди жувон.

-Уч кило!

-Ҳали шунга савдолашиб бошимни қотиряпсанми? Бошингдаги шляпанг-у буйнингдаги галстугингга қарасам... мунча паст кетмасанг, олифта?

Зиёлининг кўзлари чарақлаб кетди. У базур пичирлади,

-Шундай денг-а!

Қоғоз халтачисини кўтарганича бир неча дақиқа тин олди. Шу тобда менинг ҳам томоғимга бир нарса келиб тиқилиб қолгандай бўлди. У киши нари кетди. Билмадим, ҳаёлидан нималар кечди экан. . Ҳақоратомуз, бўлмасак!?

«Тиғ яраси тузалар, тил яраси тузалмас» деган нақл бор халқимизда. Ростдан ҳам бир ножўя айтилган гап билан бутун бошли инсоннинг умри хазон бўлиб кетиши ҳеч гапмас.

Жуда кўп касалликлар асаб торларининг тарангланши натижасида ҳуруж қилади ва одамнинг тинкасини қуритади, фожеага олиб келиши ҳам мумкин.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси Ҳусниддин Дониёров студентлардан имтиҳон олатуриб ўтирган жойига оламдан кўз юмди.

Тошкент Автомобиль йўллари институтининг ректори Салимжон Пўлатов иш кабинетида жон берди.

Ажойиб ташкилотчи, агроном, колхоз раиси Пўлатжон Ҳакимов. Истеъдодли шифокор Боқижонов... Бу руйхатни яна анча давом эттириш мумкин. Лекин оилавий можаролар туфайли юраги уришдан тўхтаган ота-она, акука, опа-сингил, қайнана-қайтата, келин-куёвлар ҳам кўп. Бир оғиз сўз инсонни ер тишлатади... Демак захарли сўзнинг нишони қалб, ҳосили эса руҳий вайроналик экан.

Тил ярасининг айрим қурбонлари номини юқорида айтиб ўтдик. Қотиллари эса орамизда, кези келганда ўзини тўхтата олмаган қўпол муомалали дилозордир. Жоҳилнинг узун ҳассаси бор. Лекин унинг бир учи доимо ўзининг бошида туради, дейишади. Биз ҳам «ёмонлар узларининг бошини ейишсин!» деймиз. Лекин начора, ҳазрати Алишер Навоий ҳам фигон этганлар: «Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибонни топмадим».

Бугунгача бизни унчалик ўйлантирмаётган бедаво дард- тил яраси ҳақида ўкиниб, эзилганимдан куюниб ёздим. А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар»идаги ўтмиш одамларининг ширин суханлигию «тўпори, золим» деб аталган Амир Темур бобомизнинг тузуклари ва ўгитлари, Ал-Бухорий ва бошқа аллома-аждодларимизнинг бизга атаб ёзиб қолдирган бебаҳо асарларидан озиқланайлик, ҳадису шарифлар қадар қанчалик азиз ва лазиз фикрлардан фойдаланайлик. Шулардан бир-биримиз учун ибрат олиб ширин сўзлашайлик.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидаги босқинлардан, ХХаср бошларидаги фуқаролар уруши коллективлаштириш ва шахсга сиғиниш замонларидаги упирилишлар уруш келтирган қирғинлардан, «қизил империя»дан,қанча-қанча офатлардан қутилдик. Энди мустақилликка эришдик. Тик қоядекмиз бугунги кунда.Ватан туйғуси барчадан устун.

Келинг, уз-ўзимишга бир назар ташлайлик. Болаларимиз «маданиятда ўсиб», урисчасига ота-онасини сансиришга ўтиб олянти. Китоб ўқиш, мактабда таълим олиш ва талевизор-радиодан тарбияви й дастурларни қўриш-эшитиш урнига... Кундузию кечаси бозор-учарда уйга келсаям, кинотеатрга борсаям «ваҳима» фильмлару тонготар кечалардан бўшамай қолди. Фарзандлар тарбиясига, узаро муомаламизга, қадр-қимматимизга, қадимий ўзбекона сифатларни тиклаб жо этайлик. Фарғоналиклар бешикдаги боласига ҳам «сизсираб» муомалада бўлишади . Қўшнимиз Тошпулат ака Маъдиев фарзандларига «Зокиржон ака» деб, бешикдаги неварасига «фалончи буви» деб эркалагани учун биров улар устидан кулмайди.

Ушбу муборак кунларда тилимизни юқорида айтилганидек «яра»дангина, эмас дилимизни ҳам гўбордан тозалайлик. Барча ярамас иллатлардан халос бўлайлик. Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл, дейдиларку. Ахир?!!

Жўра ТОЖИ.

СПОРТ

... ҚАМЧИ БОСГАН ЮТАДИ

Кеча ўтказилган ўнта учрашувдан кейин мамлакат футбол миллий чемпионатининг учинчи тур ўйинлари якунланди.

Боиси, олий лига жамоалари ўртасида тўртта учрашув ўтказилган булса, биринчи лига жамоаларининг ўзаро етти ўйини қайд этилди. Мухлисларга маълумки, қайси жамоа мавсум бошида ҳужумкорликка зўр бериб, қимматли очколар тўплаб, пешқадамликка астойдил даъвогарлик қилса манзилга етиб бориши ҳам осонлашади. Зеро, бундай манзара олий лига жамоалари ўртасида ҳозирги кўп ҳам кузга ташланмаяпти. Бошланган учинчи тур ўйинларидан кейин ҳам ўйинларни мағлубиятсиз давом эттириб тўққизта очко тўплаган жамоа бўлгани йўқ. Аксинча, дастлабки учрашувда яна мағлубият аламини тортишди. «Пахтакор» бу гал «Янгиер» футболчиларини қабул қилиб, (1:2) имкониятни бой берди. Термиз армиячилари эса Самарқанд динамочилари билан учрашиб, дастлабки ғалабага (1:0) эришишди. «Суғдиёна» футболчилари «Навруз»ни қабул қилиб (3:1), очколарини олтитага етказишди. «Косонсой» ва «Трактор» учрашуви 1:1 ҳисобида тугади.

Футболимизнинг асосий уринбосарлари ҳисобланган биринчи лига жамолари учрашувларни қўтаринки руҳда ўтказишга ҳаракат қилишмоқда. Хусусан, «Зарафшон», «Прогресс» футболчилари кетма-кет учта ғалабадан кейин тўққизта очко билан пешқадамлик мавқеларини мустаҳкамлашди. «Зарафшон» сафарда «Ёшлик» билан ўйнаб, 1:0 ҳисобида муваффақият қозонган бўлса, «Прогресс» футболчилари «Норин» майдонида 2:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Қолган учрашувлар қуйидагича ўтди: «Ситора-Истиқлол» 1:0, «Гиламчи» — «Чилонзор» — 0:2, «Навбаҳор-2» — «Диёр» — 2:0, «Тегирмончи» — «Богдодчи» — 0:2, «Роҳат» — «Хисор» — 4:3.

Мирзо АНВАР.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА

Таиландниг Гонконг шаҳридан қувончли хабар олдик. У ерда бўлиб ўтган 5-Осиё чемпионатида Ўзбекистон касаба уюшмаларининг вакиллари ҳам қатнашиб, мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қилдилар.

Чемпионатда эркин усулда 4х100 метр масофага сузиш бўйича қатнашган вакилларимиз Вячеслав Кабанов, Олег Цветковский, Олег Пухнатий, Равил Нечаевлар Япония, Хитой ва Корея командларини ортда қолдириб биринчи уринни эгалладилар. Бошқа масофаларга сузиш бўйича республикамиз спортчилари 2 — 3 уринларни баҳам кўришди. Ўзбекистон командаси умумий ҳисобда Ҳиндистон, Покистон, Индонезия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлар спортчиларидан ўзиб, Хитой, Япония ва Кореядан кейин тўртинчи уринни эгаллашга муваффақ булишди.

В. БОНДОРЕНКО.

ҚАҲРАМОН СОВРИНИ УЧУН

Янгийул туманида Х. Турсунқулов хотира соврини учун футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақада 6 команда қатнашди. Финалда «Халқобод» лицей-интернати командасини 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратган «Марказ» командаси бош совринни қўлга киритди. Мусобақанинг энг яхши ўйинчиси А.Имомгалиевга собиқ раис қариндош-уруғлари таъсис этган пул мукофоти топширилди.

ФУТБОЛ КОМАНДАСИ ТУЗИЛДИ

Жиззах. Президентимизнинг Ўзбекистонда футболни ривожлантириш ҳақидаги Фармонларидан кейин туманларда ва ҳужаликларда ўйингоҳлар қуриш, эски ўйингоҳларни таъмирлаш, янги футбол командаларини тузиш авж олиб кетди.

Яқинда Зафаробод туманидаги Собир Раҳимов номли ижара ширкатлар уюшмасида янги футбол командаси тузилди. Бу команда туман ва вилоят биринчилиги учун буладиган барча мусобақаларда қатнашиб куч синашади. Командага Собир Раҳимов номи берилди. Команда бошлиғи этиб футбол ишқибози Суннат Дониёров тайинланди.

Ҳужалик футболчилари керакли усти-бош, спорт буюмлари билан таъминлаш мақсадида пул ажратди.

Э.АЛИЕВ.

МУНАЖЖИМ ТАЪБИРИ: САЛОМАТЛИГИНГИЗНИ АСРАНГ

(30 апрель - 6 май кунлари учун)

30 апрелдан 2 майгача бўлган давр мобайнида Ой «Тарозу» буржидан ўтади. Бинобарин шу кунлари буйраклар ҳолати, модцаларни ажратувчи тизим ҳолати бўшашади, бел оғригига мойиллик ортади. Сурункали ёки ўткир буйрак хасталигидан азият текувчилар айниқса 2 май куни саломатликларига эътибор беришлари керак бўлади. Чунки ўзингизда нохушлик сезишингиз мумкин. Оғир буйрак хасталигига учраган беморлар ва сурункали буйрак оғригидан азият чекувчиларга шу кунлари сийдик ҳайдовчи ўтлар (макажўхори попуглари), юракни тинчлантирувчи ўтлар аралашмасини истеъмол қилишни тавсия этамиз. Ушбу давр оралиғида белда (шу жумладан, орқа мия, бел атрофидаги умуртқаларда), буйрак, қовуқда тигли муолажалар ёки қандайдир мураккаб даволаш-ташхис чораларидан тийилиш матлубдир.

Юқоридаги кунлар мобайнида тиш шифокорлари хузурига дадил боришингиз, кўз, юз, жағларда, бош ва бош мияда жарроҳлик муолажаларини амалга оширишингиз мумкин. Спиртли ичимликларни ичишдан мутлақо тийилишингиз (айниқса 1 майда) маъқул. Чунки бу буйракларингизга ҳалокатли таъсир этади. Шунингдек, руҳий мувозанатдан бир мунча чекиниш ҳоллари юз бериши мумкин. Шу кунлари атрофингизни ҳамиша муътадил иқлим ўраб туришига ҳаракат қилинг. Яхши кайфият кўп жиҳатдан ён-атрофингиздагилар саломатлиги гаровидир.

3-4 май кунлари Ой «Чаён» буржидан ўтади. Бунда жинсий аъзолар энг кўп нозиклашиб, хасталикларга мойил бўлади. Бундан ташқари ноқулай эҳтиросли ҳолатлар - ўткир ҳаяжон, жазавага тушиш, серзардалик, тажовузкорлик, ўзини тутолмаслик, ташқи таъсирга берилувчанлик ҳолатлари тинчингизни бузиши мумкин. Бу айниқса сержаҳл одамларга кўпроқ алоқадор. Бирон кимсанинг кунглини оғритманг, кейин ўзингиз афсусланиб юрасиз. Жинсий аъзоларда бирон бир мураккаб муолажалар тавсия этилмайди. Яхшиси уларни бироз орқага сурган маъқул. Тинчлантирувчи шифобахш ўтлардан истеъмол қилишни,бироқ қонни қиздирадиган нарсалардан тийилишни тавсия этамиз.

Шу кунлари аёллар ўз оналик муаммолари устида ўйлаб кўришлари керак - чунки бу уларнинг табиий фарзанд кўриш вазифаларини адо этишларига ижобий таъсир этади. Фарзанд сиз учун`қанчалик аҳамиятга молик, ўзингиз уларга нималарни бахшида этишингиз мумкин - шулар ҳақида яна ҳам чуқурроқ ўйлаб кўрганингиз маъқул. Уларни тушуниш мургак гудакка меҳру-гамхурлик кўрсатиш - фарзандниг жисмонан соглигига эришишдангина иборат эмас, балки унинг ички дунёсининг гўзал ва баркамоллиги хусусида ҳам ўйлашни тақозо этади. Уларнинг ташқи кўринишлари ёқимтой бўлиши билан бирга хуштавозелик, яхши хулқ-одоб, оққунгиллик, билимларга интилувчанликни сингдирибгина қолмай муҳимдир. Энг аввало сабаб ва оқибат қонуниятларига (қинд фалсафасида буни карма, яъни ҳаракат деб аталади) асосланган тиббий илми нужум таъбирича ҳомилани олиб ташлаш қотиллик ҳисобланади (албатта, онанинг ҳаёти ҳавф остида қолган ҳолатлар мустасно). Шунинг учун бир қарорга келишдан олдин келажак ҳаётингиз ҳақида фикрлаб олишни маслаҳат берамиз - зеро, ҳар бир йўл қўйган хатомиз учун жавоб беришимиз керак бўлади. Яна бир нарса хусусида - бошқалар гам-ташвиш, муаммоларига парво қилмай, фақат ўз гаминигина ейиш туғри бўлармикин - шу ҳақда ҳам ўйлаш керак бўлади. шарқ фалсафасига кўра инсон туғри яшаса хасталикларга дучор бўлмайди. Ёки бошига бирон фалокат тушмайди. Мабодо касал бўлиб қолган тақдирда ҳам ҳаётда нимани нотўғри қилиб қўйдим, деб ўйлаш, тушунишга интилиш ва тузатиш йўлини қидириш зарур.

3-4 май кунлари буйинда жарроҳлик муолажалари ўтказиш, томоқни даволаш учун қулай ҳисобланади.

5-6 май кунлари Ой «Ёй» буржидан ўтади ва жигарнинг занфлашувига сабаб бўлади. Бу кунлари фавқулодда зарурияттсиз жигарда жарроҳлик муолажаларини ўтказиш, қон ёки плазма қўйиш мақбул эмас. Яна буйракларингиз ҳолатига эътибор беришни тавсия этамиз. 5 май куни жигарнинг огир хасталиклари, айниқса онкологик хасталигига учраган беморларга даволаш-ташхиш муолажаларида танаффус қилиш ёки жигар, ўт пуфагига тушадиган огирликни бир мунча енгиллаштиришни тавсия этамиз. Шу кунлари кўпроқ нафас олиш машқлари билан шуғулланишингиз мумкин. Зеро, улар ўпка ва бронхларни даволаш учун қулай фурсат ҳисобланади.



Ўригидан данаги ширин... Н. МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лавҳаси.

Ўзингизни билинг!

АСАБЛАРИНГИЗ ЖОЙИДАМИ?

Буни аниқлашда қуйидаги синов-сўровлари сизга ёрдам беради. Ундаги фикрларни тўла тасдиқлайдиган бўлсангиз - икки очко, қисман қўшилсангиз - 1 очко, рад жавобига - 0 очко қўйиб, натижасини жамланг.

1. Сиз осонгина хафа бўлиб қоласиз, арзимаган нарсага жаҳлингиз чиқади, анчагача ўзингизга келолмай юрасиз.

2. Тобора инжиқроқ, сиркангиз сув кўтармайдиганроқ ва аразчироқ бўлиб бораяпсиз.

3. Ўз ҳиссиётларингиз ва эҳтиросларингизни жиловлаш қийинлашиб кетяпти — ваҳоланки кейин ортиқча ловуллаб кетишингиздан узингизни койиб юрасиз.

4. Арзирли сабаби бўлмаса ҳам ташвиш чекаверасиз, бетоқатлик, сабрсизлигингиз ортиб боряпти ва ҳаракатларингизда изчиллик йўқоляпти.

5. Йўқ жойдан хавф-хатар қидириб қоласиз ва ўз қарорларингизнинг тўғри-нотўғрилиги хусусида ҳадеб иккиланаверасиз.

6. Хушчақчақлигингиз сўниб боряпти, янги одамлар билан танишиш ва алоқалардан ўзингизни тортасиз, кўпинча сабабсиз жаҳлингиз чиқиб, вайсақилик қиласиз.

7. Руҳингизда ички зиддият, ўз-ўзингиздан юз ўгириш, зиддиятли ҳиссиётлар ва истаклар кураши юз беради. Натижада ўзингизга бўлган ишонч сўниб, иш қобилиятингизни йўқота бошлайсиз.

Тўплаган очколарингиз бўйича натижаларни одатдагидек газетамизнинг келгуси сешанба сонида ўқийсиз.

«Ҳаётга иштиёқ керак» синов-сўровлари бўйича тўплаган очколарингиз натижалари юзасидан хулосалар:

Агар 17 дан ортиқ очко жамлаган бўлсангиз, Сиз етарли даражада ижобий фикр юритасиз. Бу жуда яхши натижа. Чунки ҳаётга шундай муносабатингиз туфайли бахтиёр умр кечириш ҳамда тақдир таклиф этадиган эзгуликлардан фойдаланишда бошқаларга нисбатан кўпроқ имкониятларга эгадирсиз.

Албатта, тақдир фақат туғма даҳоингиз учунгина Сизга кулиб боқмай, балки ҳормай-толмай, тинимсиз қилган меҳнатингиз ҳамда яхши хулқ-атворингиз учун ёрлақашини ҳам унутманг.

Мабодо, 17 дан кам очко тўплаган бўлсангиз, демак, Сиз маълум даражада турмуш тарзингизни ўзгартиришингиз, атроф-теварагингиздагилар билан муносабатларингизни қайта кўриб чиққанингиз маъқул. Бироқ, бундан асло Сиз доимий омадсизликка маҳкумсиз деган хулоса келиб чиқмайди. Шундай экан, ўзингиздаги салбий эҳтиросларга қарши курашишни урганишингиз керак. Бунинг уддасидан чиқсангиз, унда шубҳасиз, омад Сизга ҳозиргига қараганда кўпроқ ва тез-тез кулиб боқиши турган гап.

«ЯНГИЙЎЛМЕБЕЛЬ»

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИЖОРАТ ШИРКАТИ ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Офис мебеллари;

«Янгийўл» номидаги юмшоқ мебеллар;

«Шаҳризода» номидаги ётоқхона мебеллари;

Ёзув столлари;

Уйга ўрнатиладиган турли катталикдаги кузгулар;

Йиғма мебеллар;

Курпа, курпачалар, курпа жилдлар;

Одеял, ёстиқ жилд ва матраслар;

Мебеллар ва ётоқхона жиҳозлари савдо тармоқларидаги нархлардан 30 фоиз арзон.

Тошкент вилояти ҳудудидаги ташкилот ва корхоналар мебеллардан катта ҳажмда харид қилгудай булса, мебеллар кўзланган манзилга транспорт ҳақи олинмай ширкат томонидан етказиб берилади.

Манзил:Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Р.Назирова кўчаси, 30-уй.

Телефонлар: (3712) 7-58-90, 7-24-75

ЖИЗЗАКИЛИК

ЁКИ ОЛТИНКЎЛ ТУМАНИДА ҲАҚҚОНИЙ ТАНҚИДГА НОТЎҒРИ МУНОСАБАТ ХУСУСИДА

(Давоми. Боши 2-бетда)

лишига қўл урилганига ва у резинадек чўзилаётганлигига яқинда йил тўларкан. Ҳозирча йўловчилар қор ва ёмғирда, жазирамада очиқ майдонда автобус кутишга мажбур. Автобекат майдонига киравериша ҳашаматли равоқ тикланганлигидан кўз юма олмаймиз. Қизиқ, автобекатни тумтароқли равоқдан кўра биринчи навбатда ишни одамларни иссиқдан ва ёғин-сочиндан ҳимоя қилувчи иморатлар бунёд этишдан бошланса бўлмасмиди?

Умуман, мухбирнинг молиявий тушум келадиган ташкилотлар, муассасалар, кичик саноат шаҳобчалари-ю, қўшма корхоналар барпо этиш суст бораётганлиги юзасидан кўтарган муаммосида жон бор. Туманда трикотаж фабрикасидан ўзга пичоққа илинадиган саноат тармоғи йўқ ҳисоб. Утган йилда пайдо бўлган пахта тозалаш заводи эса вилоят марказидан кўчириб келтирилган. Қўшни вилоят ва туманларда кўплаб қўшма корхоналар, маиший хизмат шаҳобчалари иш бошлаётган ҳолда бу ерда арзирли ўзгаришлар сезилмайди.

Нима сабабдан биз ушбу мавзуга қайтдик ва аслида, туманда мухбир чиқиши билан боғлиқ қандай жиддий воқеа содир бўлди? Буни чуқурроқ англаб етишингиз учун З.Рузиеванинг муҳарририятга ёзган хатидан парча келтирамиз: «Мақола эълон қилинганидан сўнг... халқ таълими бўлими мудири ўз кабинетига чақиртирди. Сенсираб «нонкўр»,«бетамиз» ва яна оғизга олиб бўлмайдиган шалоқ сўзлар билан ҳақоратлади. Ўзи эркак бўлгани ҳолда оғиз-бурнимга қаратиб мушт туширди. Сочимдан тортиб хўрлашгача журъат этди. Худди шу вазиятда катта услубчи Фозил Хаитов ҳай-ҳайлаб ажратиб қолмаганида билмадим, қандай ҳолиса рўй берарди. Мен, кутилмаган ҳолатдан жуда довдираб қолдим. Хатто, аёл сифатида қўрқиб кетдим...»

Биз воқеага аниқлик киритиш учун туман ҳокимининг уринбосари Рустамжон Иброҳимов хонасига Маҳкам Солиевни таклиф этдик.

- Мен ҳеч қачон қўлимни кутармаганман, шундай масъулиятли вазифаларда ишлаб келган одамга бу ҳаракат ярашмайди. Уриб бирон жойини кукартирган бўлсам, исботи қани? — Баланд келди у.

Биз ҳам ноқулай вазиятда эдик. Дарҳақиқат, З.Рузиева келтакланганлиги бўйича ҳужжат тайёрламаган-ку!

- Ахир, домла, мени қанақа уятсиз сўзлар билан ҳақоратладингиз. Оғзингиздан чиққан сўкишларни унутмагандирсиз?-деди Замира ниҳоят улардан бирини такрорлашга мажбур бўлиб.

- Йўқ, бундай демаганман. Тухмат! Жаҳлим чиққанидан столга мушт туширдим холос.

Яхшики, бу дунё имонли одамлардан ҳоли эмас.

- Ҳақиқатан домла шунақа гапни айтдилар,-тасдиқлади тўқнашувга гувоҳ катта услубчи Фозилжон Хаитов.

- Десам дегандирман,- ниҳоят М.Солиев тан олишга мажбур бўлди.- Ҳозир эсимда йўқ. Жаҳл келса ақл қочар деганлар.

Юқоридаги кўнгилсиз воқеанинг келиб чиқишини З.Рузиева шундай ҳикоя қилиб берди.

- Туман халқ таълими бўлими томонидан редакцияга йўлланган жавобда Абдурашидовга нисбатан чора кўрилганлиги қайд этилган эди. Холбуки, шундай исм-шарифли шахс бу ерда ишламайди. Мен шуни аниқлаш учун юргандим.

- Машинистка айби билан хато кетса, кеттандир,- отдан тушса ҳам узангидан тушгиси келмади мудирнинг.

Бошимиз қотади, наҳотки, республика газетаси редакциясига йўллаш учун тайёрланган ҳужжатга имзо чекаётган раҳбар лоақал кишилар исм-шарифининг тўғри ёзилишига қараб қўйишни лозим кўрмаса!

З.Рузиева тиббиёт шаҳобчаларига бормаган, туман ҳокимиятига учрамаган, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари эшигини тақиллатмаган бўлса-да вилоят халқ таълими бўлими мудири Жўрабой Халилов ҳузурига кириб юз берган воқеани баён этди.

- Албатта, хунук иш бўлган, -хижолат билан деди учрашганимизда Ж.Халилов. - Очиғи, мен ҳам икки ўт орасида қолдим. М.Солиевга жазо бериш учун қўлимда асос йўқ. Мухбир бирон ҳужжат кўрсата олмади.

Ажабо, раҳбарни тартибга чақириш учун албатта ҳужжат керакми, албатта мухбирни уриб майиб қилиш керакми?! Унга қилинган дағдағанинг ўзи бу раҳбарнинг кимлигини кўрсатмайдими?

Вилоят халқ таълими бошқармасининг мақола юзасидан 1996 йил 22 январда редакцияга юборган жавобида мухбир чиқиши маош масаласидаги муаммоларни ҳал этишга туртки берганлиги ёзилади. Жумладан, унда шундай сатрларни ўқиймиз: «Маошларни белгиланган муддатларда тўлашни таъминлаш учун мутассади ташкилотлар билан келишиб олинди. Олтинкул тумани халқ таълими бўлимининг ҳисоб рақамига 7 миллион сўм маблағ ўтказилди. Ҳозирги кунда декабрь ойи маошини бериш тугатилди. Ушбу масала вилоят халқ таълими бошқармасининг доимий назоратига олинган».

Ҳақиқат шундай. Аммо тазйиқ тўхтамади. Туман халқ таълими бўлими мудири кўрсатмаси билан машъум 30-йилларда «социализм» доҳийлари ўзларига ёқмаган кишиларни қоралаш мақсадида жойларда халқ йиғинларини уюштиришганидек, деярлик барча мактабларда мақолада кўтарилган масалаларни қоралашга, матбуот ходимини обрусизлантиришга, номига мағзава тўкишга, кўтарилган муаммоларни йўққа чиқаришга бағишланган тадбирларни ўтказишга киришилди. Уларга бўлим раҳбарлари, катта-кичик саркорлар сафарбар этилди. Кўп жойларда ош берганга (ахир, тўхтаган маош олинишига озми-кўпми ҳисса қўшилди-ку) мушт бермаймиз, дейилган эътирозлар билан мухбирга қарши олдиндан тайёрланган ҳужжатга имзо чекишни истамаганлар, эътироз билдирганлар, мақола муаллифини ёқлаганлар топилди. Аммо, барибир, амаллор ўз ҳуқуқидан, имкониятидан фойдаланди, манфаатига мос қарорлар чиқарилишига ва уни 50 сахифадан иборат қилиб, папка ҳолига келтириб Тошкентга етказилди. Шуниси ажабланарлики, уларнинг ҳаммаси одамлар фамилиялари, мактаб рақамларини ҳисобга олмаганда ҳам мазмунан, ҳам шаклан қуйиб қўйганидек бир-бирига ўхшаш. Кўриб турибсизки, масала жиддий: бу ерда оддий «гинахонлик» эмас, балки «мендек буюк бир раҳбарга тил теккизганинг учун шундай адабингни бериб қўяйки, бошқаларга ибрат бўлсин! деган ғирт тўрачилик фалсафаси асосида пухта ўйлаб иш кўрилган.

Олтинкўлда мухбирга нисбатан шунчалик тазйиқ ўтказилган ҳақоратлар ва зўравонлик қилинган экан, туман ҳокимияти раҳбарларининг бу масалага муносабати қандай?

- Бу говғалардан хабаримиз йўқ,-деди бизни танг қолдириб ҳоким ўринбосари Р. Иброхимов.

Ёпирай! Тумандаги мавжуд 52 та мактабда яшин тезлигида уюштирилган, пойтахтга зумда маълум қилинган митингнамо йиғилишлар шабадаси ҳануз тумандаги мафкура ва маданият муассасалари фаолиятига жавобгар раҳбар қулоғига етиб келмаса!

Албатта, ҳокимиятда бунга хоҳиш бўлса - тумандаги ҳар бир воқеага вақтида ўз баҳоси берилади, чипқонлар ярага айланмасдан тузатилади. Ўйлаймизки, туман халқ таълими бўлимидаги бундай ғайри табиий воқеаларга хотима қўйилиб, «сиркаси сув кўтармайдиган» М.Солиевнинг ҳатти-ҳаракатларига жиддий баҳо берилади.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
Ишонч»нинг махсус мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН:

Воқеа тарихи шундай. Туман ҳокимлигининг лоқайд муносабати бу ерда анчагина рол уйнагани кўриниб турибди. «Пахтабанк» туман бўлимининг узбошимчалиги ҳақидаги фактлар қолиб кетиб, мухбирнинг «хатолари»ни микроскоп билан қидиришга тушиб кетилганига жимгина томошабин бўлиб туришни бошқача тушуниш мумкин эмас. Қолаверса, туман ҳокимлиги ҳам бозорни истеъмол буюмлари билан тўлдириш, қишлоқларда саноат ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатишнинг кенг тармоқларини вужудга келтириш соҳасида арзирли ишлар қилинмаётгани айтилганидан ўзини «нохақ хафа қилинган» ҳисоблаб келмоқда.

Биз шуни яна бир бор эслатиб қўйишни истардикки, мақола шахсан кимларнидир хафа қилиши учун эмас, мавжуд камчиликларни жамоатчилик кўзи билан яна бир бор эслатиш ва уларни бартараф этишга даъват қилиш учун ёзилган. Танқидий чиқишларимизни шундай тушунаётган ҳокимликлар, идоралар раҳбарлари газета сигналига шу руҳда ёндошаётганидан мамнунмиз.

Аммо мустасно ҳоллар ҳам бўлар экан да. Уйлаймизки, соғлом фикр ғолиб чиқиб, гиналар йиғиштирилиб, умумий ишимиз манфаати нуқтаи назаридан юқоридаги воқеаларга баҳо берилади. Муҳими - Олтинкўл туманида ҳам барча соҳаларда ислоҳотлар давр талаблари даражасида олиб борилиши учун жиддий чоралар кўрилади. Бўлиб ўтган воқеа нафақат туман ҳокимлиги, балки вилоят ҳокимлигини ҳам бефарқ қолдирмаслигига ишончимиз комил.

ИШОНЧ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир
Саидакром САЙДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79. Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар —56-87-78, 56-87-63. Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10. Бухорода — 3-50-10. Гулистонда — 2-24-98. Жиззахда —3-82-18. Навоийда —3-41-99. Наманганда — 6-22-10. Нукусда — 2-44-46. Самарқандда — 35-64-22. Термизда — 2-70-07. Тошкентда — 56-82-79. Фарғонада — 24-58-43. Урганчда — 6-03-40. Қаршида — 5-33-71.

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр- мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

- **Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.**
- **Сешанба ва жума кунлари чоп этилади.**
- **Сотувда эркин нархда.**

**Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока